Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1988 ЙИЛ 31 МАЙ, СЕШАНБА
№ 122 (4.318).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Алоҳида китобча қилиб нашр этилди

КПСС Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети 1988 йил 23 май Пленуми маъқуллаган XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИ — МУНОЗАРА УЧУН ПЛАТФОРМА

Ўтган куни КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари эълон қилинди. Партия конференцияси 28 июнда очилади. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат партия ва мамлакат ҳаётида дарҳол марказий ўринни эгаллади.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми маъқуллаган Тезислар ҳаётий муҳим масалалар хусусидаги мунозара учун платформадир. Тезисларда унутилмас апрель Пленумидан кейин ўтган уч йил ичида бажарилган, бошланган ишлар ҳамда қайта қуриш йўлида турган тўсиқларни олиб ташлаш, революцион янгиланиш жараёнига янги, қудратли туртки бериш учун унинг ҳозирги босқичида нималар қилиш кераклиги узвий боғлиқ ҳолда баён этиб берилган.

КПСС Марказий Комитети Тезисларни кенг муҳокамага қўйилди. Ҳар бир киши — коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам улар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар ва билдиришлари керак. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида, партия группаларидаги коммунистларнинг очиқ йиғилишларида, меҳнат коллективларида, ҳарбий қисмлар ва қўшилмаларда, жамоат ташкилотларида, матбуотда, телевидение ва радиода ана шундай муҳокама ўтказилиши лозим. Олдинда катта, масъулиятли ишлар турибди, бунинг учун вақт унча кўп эмас, буни ҳам ҳисобга олиш лозим. КПСС Марказий Комитетининг ҳамда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, бутун партия, идеологияя актив-паримиз, конференцияга сайланган делегатлар бу ишда фаол қатнашишлари керак.

Аввало нимага эътибор қиласан, киши! Биринчидан, Марказий Комитет Тезисларини муҳокама қилиш ҳар бир киши олдида ўзгартишларимизнинг социал моҳиятини чуқурроқ намоён этиш имконини беради. Иккинчидан, тезислар ниҳоятда муҳокама — мунозаралар учун эълон қилинган. Демак, расмиятчиликдан, бир қолипдаги услублардан, тадбирбозликдан қатъиян воз кечиш, ҳар бир истовчи кишига ўз фикрини билдириш имконини бериш керак. «Умуман ва батамом» маъқуллаш эмас, балки қайта қуриш йилларида мамлакатда ва ҳар бир меҳнат коллективида қилинган ишларни ғоят жиддий, амалий тарзда идрок этиш, нуқтаи назарлар ва фикрларни танқидий анализ қилиш, қисқаси талаб этилиши равшан. Қайта қуриш муқаррарлигининг ишончли гарантияларини яратишга қаратилган таклифлар алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Муҳокама қатнашчилари маҳаллий ва группавий манфаатлардан юқори туришлари, мамлакат манфаатларига амал қилишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш — конкрет тусда бўлиши керак. Маълумки, қайта қуриш иккинчи, анча мураккаб ва энг масъулиятли босқичга кирди, бунда унинг ғояларини кундалик практикага сингириб, бевосита ҳар бир кишига етиб бориш. Қайта қуриш қаерда муваффақиятли равишда суръатга сурьат қўшиб бораётганлигини, қаерда секин ҳаракат қилиб бораётганлигини ва ҳатто масала тортишувга айлантирилиб қўйилганлигини равшанроқ аниқлаш керак. Нима учун шундай бўлмоқда! Нима учун у ёки бу регионда, коллективда меҳнатни ташкил этишнинг илғор методларини ёмон жорий этилмоқда, ошкоралик ва демократизмни ривожлантириш кимнинг айби билан тўхтатиб қўйилмоқда, қаерда ва нима сабабларга кўра, тўсқинлик механизми ҳамон тазйиқ қилмоқда ва уни бартараф этиш учун конкрет равишда нима қилиш керак — муҳокама қатнашчиларининг мана шу ва бошқа саволларга жавоб қайтаришлари лозим бўлади, бу эса ақл-фаросатни ишлатишни, ўткир ва янгича назар ташлашни, принципиалликни тақозо этади. Четдан туриб эмас, балки манфаатдорлик, омилкорлик, гражданлик назарини ташлаш талаб қилинади.

Ҳозир биз турли бошқарув бўғинларида ин қуриб олган бюрократизмга, маҳкамачиликка қатъиян қарши курашмоқдамиз. Лекин шунн унутмаслик керакки, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг баъзи қатламларида ҳам янгиликдан чўчиш, сусткашлик, лоқайдлик ва консерватизм сезилиб турибди. Марказий Комитет Тезисларини муҳокама қилиш чоғида тартиб ва интизомни янада мустаҳкамлаш тўғрисида, браккилар ва прогулчилар, дангасалар ва «ташмачилар» ҳақида, сўзи билан иши бир жойдан чиқмайдиган кимсалар тўғрисида дангал ва рўйирост гапирамиз. Тайёрга айёрлик кайфиятларидан, ишлаб чиқаришга қараганда кўпроқ истеъмол қилишдан иборат турғунлик одатидан қатъий равишда воз кечамиз.

Шу билан бирга қайта қуриш пешқадамларини, унинг меҳнатчилари ва «прорабларини», ижара ва бригада пудратига дадил кириша ётган кишиларни, меҳнатни ташкил этишнинг янги форма ва методларн тарғиботчиларини, фан-техника тараққиётни учун курашчиларни зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлаш зарур.

Партия қайта қуришнинг муваффақият қозонишида инсонга, унинг маънавий, ижодий потенциалига, шахсий манфаатдорлигига, унинг социализм ишига содиқлигига, шахсий тажрибасига асосий умид боғламоқда. Мунозаралар ва қизғин баҳслар билан ўтган йиғилишдан кейин инсон ўзининг қайта қуришдаги роли аҳамиятини ақл-идроки ва қалби билан яна ҳам кўпроқ англаб олса, унингсиз иш битмаслигини ҳис этса, демак муҳокама беҳуда ўтмай, наф келтиради. Инсонга — ишчидан гортбб ҳар қандай даражадаги раҳбаргача унинг қанчалик баландпарвоз бўлмасин, сўзлари ва ваъдаларига қараб эмас, балки конкрет ишларига ва фақат ишларига қараб, қайта қуришни ривожлантириш, унн қўллаб-қувватлаш муддаосига қараб баҳо бериш керак.

Бу гап аввало коммунистларга тааллуқли, албатта. Партия аъзоларининг чин фазилатлари — уларнинг ғоявий эътиқоди ва снёсий етуклиги, ҳалоллиги ва партия ишига содиқлиги айни ҳозир чинакамига синаладн. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир коммунист ва бошланғич ташкилот бутун ғоявий-снёсий ишлар ва пропаганда ишини Марказий Комитет Тезисларн руҳида, шу Тезислар асосида олиб боришлари керак.

Муҳокама — илтифотли фикрлашув эмас, йиғилиш бўлиб ўтди ва маъқулладн қабилидаги қўллаб-қувватлаш тўғрисида юқори ташкилотларни хабардор қилиш эмас, Тезисларни муҳокама қилиш — коллектив ижод ва изланиш, бундан бўён қандай яшаш ва ишлаш кераклиги хусусида қарорлар қабул қилиш демакдир. Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш чоғида кўпгина конкрет ва қимматли таклифлар билдирилади. Мана шу таклифлар кўпинча бўлганидек, ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслиги керак, уларни контрол остига олиш, дарҳол иш манфаатларини кўзлаб фойдаланиш, улар қандай рўёбга чиқарилаётгани ҳақида коллективни мунтазам хабардор қилиб туриш лозим.

Муҳокамада оммавий ахборот воситалари алоҳида роль ўйнайди. Мунозараларнинг боришини, хилма-хил фикр-мулоҳазаларни иложи борича тўлиқ кўрсатиш керак бўлади. Бунда уларни аввало одамлар орқали баён этиш, уларнинг фикри, позицияларини кўрсатиб бериш керак. Маҳаллий муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама кўрсата турнб, диққат-эътиборни ана шу муаммоларни ҳал этиш йўлларига қаратиш, янги ғоялар ва ёндашувларга, салмоқли ижодий тафаккурга кенг имконият очиш, ёрқин публицистик суҳбат юритиш лозим. Шу билан бирга баъзида намоён бўлиб турган ортиқча шошма-шошарлик, ҳовлиқиш, иккинчи даражали муаммолар билан ёки ҳозирги вақтда мутлақо нореал бўлган муаммолар билан машғул бўлиш ишга наф келтирмайди.

Хўжалик раҳбарлари мунозараларда фаол иштирок этишлари керак. Афсуски, бевосита цехлар, бригадаларда, иш жойларида меҳнаткашлар билан ошкора суҳбатлардан бўйин товлаб, чўчиётган, кабинетда турнб муомала қилиш услубини афзал билаётган бундай ходимлар ҳали оз эмас. «Хуфёна» муҳокамалар ва қарорлар вақти ўтиб кетганлигини, у энди асло қайтиб келмаслигини қаттиқ эсда тутиш керак.

Партия ташкилотларида XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатларни сайлаш асосан ниҳоясига етди. КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилишда аввало ана шу делегатлар иштирок этишлари, меҳнаткашлар ҳузурида, матбуот саҳифаларида ўз баҳоларн ва фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишлари, шахсий позицияларини ҳамда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига қандай наказлар билан бораётганликларини сўзлаб беришлари керак.

Мамлакатда КПСС Марказий Комитети Тезислари асосида авж олиб бораётган умумхалқ мунозараси — аслини олганда, партиянинг халқ билан маслаҳатидир. Бу маслаҳат партия конференциясининг пухта ўйланган қарорлар қабул қилишига имкон беради, бу қарорлар эса революцион қайта қуришни мустаҳкам қилади.

(«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 29 МАЙДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Совет пойтахти Америка Қўшма Штатларининг президенти Рональд Рейганни Москвага хос анъанавий меҳмондўстлик билан кутиб олди. 29 май куни унинг Совет Иттифоқига расмий визити бошланди.

Соат 14.00. Внуково аэродромининг учиш майдонида фахрий қоровул жангчилари бир текис саф тортиб туришибди. Баланд флагштокларга АҚШнинг юлдузли-олачипор Давлат байроғи билан СССРнинг Қизил байроғи илинган.

Аэропорт биноси пештоқига рус ва инглиз тилларида ёзилган табрик транспарантлари қўйилган... Аэродромнинг бегубор осмонида АҚШ президенти тушган самолёт пайдо бўлади. Самолёт қўниб, Аэрофлот машинаси ҳамроҳлигида учишқўниш бетон йўлидан оҳиста юриб келади. Президент эмблемаси туширилган реактив «Боинг» самолётни танталари кутиб олиш жойига келиб тўхтайди.

Пиллапоялар олиб борилади. Самолётнинг катта эшиги очилади.

Аэропортга йиғилган кишилар АҚШ президентини самимий табриклаб кутиб оладилар.

Ҳаво кемасининг пилласпояси ёнида дастлабки қўл олишувлар, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико ва унинг рафиқаси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добрининн, бошқа расмий кишилар Р. Рейган ва унинг рафиқаси билан кўришадилар.

Учиш майдони узра АҚШ ва СССР давлат гимнларининг куйлари тантанали янграйди.

Аэропортда кутиб олиш маросими тугайди.

Бир неча дақиқадан сўнг мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги кортеж Киев тош йўлига чиқиб, шаҳарга йўл олади. Машиналар ўтиб борган кўча ва майдонларда АҚШ ва СССР давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

* * *

АҚШ давлат секретари Ж. Шульц, америкалик бошқа расмий кишилар президент билан бирга Москвага келдилар.

Катта Кремль саройида Р. Рейганни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросим саройнинг асосий зали — Георгий залида ўтказилди.

* * *

М. С. Горбачев рафиқаси билан Р. Рейганни ва унинг рафиқасини зал ўртасида кутиб олди. Уларнинг қўл бериб кўришувини ўнлаб совет ва чет эл фотомухбирлари ҳамда кинооператорлари қайд этишди. Тарихий залда ўтказилган маросим телевидение орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари зангори экранларида кўрсатилди.

М. С. Горбачев билан Р. Рейган қисқача табрик нутқи сўзладилар.

Сўнгра М. С. Горбачев билан Р. Рейган Екатерина залига ўтишди, у ерда якама-якка суҳбат бўлди. (ТАСС).

Суҳбат пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

РЕСПУБЛИКА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб олган қайта қуриш илмий тадқиқотларни ташкил этиш соҳасида ҳам туб ўзгаришларни тақозо этади. Ижтимоий турмушни ҳар томонлама демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш шароитида илм-фаннинг социал роли, мамлакатда авж олиб кетган янгиланиш жараёнининг муваффақияти учун олимларнинг масъулият даражаси ортиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 30 майда Тошкентда бўлиб ўтган йиллик умумий йиғилишида шулар ҳақида гап борди.

Йиғилиш қатнашчилари республика Фанлар академиясининг 1987 йилги илмий тадқиқот фаолияти асосий якунларини ҳамда 1988 йилги вазифаларини кўриб чиқиб, илм-фан соҳасидаги қайта қуриш жараёни уни барча энг муҳим йўналишлар бўйича олий даражага чиқаришга, совет жамиятини жадал ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилмоғи лозим деб алоҳида таъкидладилар. Фанлар академиясининг асосий куч ва воситалари муҳим умумиттифоқ ва регионал муаммоларни ҳал этиш билан алоқадор катта-катта программаларга, фундаментал тадқиқотларга йўналтирилиши зарур. Академия институтлари, олий мактаб ва тармоқ тадқиқот муассасалари илмий коллективларнинг фаолиятини янада мустаҳкам бирлаштириши керак.

Мамлакатда илм-фанни ривожлантириш борасидаги умумлаштирилган прогнозларга мувофиқ устун йўналишлар ажратилган бўлиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ана шу йўналишлар бўйича етакчи позицияларни эгаллаши мумкин ва керак, деб таъкидланди йиғилишда. Активацион анализ, ишлаб чиқиш-отлар пишиқлиги ва сейсмодинамика, пахта комплекси механизмлари ва машина системалари назарияси, пахта генетикаси ва селекцияси, янги юқори самарали дефолиант моддалар яратиш, суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш ва улардан фойдаланишни интенсивлаш, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон шароитида демографик жараёнлар ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ана шу йўналишлар орасида тилга олинди.

Ҳозир республика Фанлар академиясида янги вазифаларни назарда тутиб, институтлар, илмий кенгаш тармоқлари, кадрлар сиёсати, ишларни пул билан таъминлаш тартиби қайта қурилмоқда. Коллективларнинг куч-ғайрати энг муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилишини таъминлаш учун 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган истиқбол планида илмий йўналишларни камайтириб бориш кўзда тутилган.

Аммо шу йил бошида ўтказилган таҳлил кутилганига зид равишда қайта қуриш куч ва маблағларни энг муҳим муаммоларга қарата олмаганлигини кўрсатди. Нутқларда илм-фаннинг куч ва воситаларини сочиб юбориш ҳатто кўпайганлиги уқтириб ўтилди. Академиянинг институтларида ишлаб чиқилаётган илмий йўналишлар сони саксонтага қадар кўпайгани ҳолда уларнинг фақат ярмидан озроғи жаҳондаги даражага мувофиқ келади, кўпгина қисми эса унча юксак бўлмаган стандартларга ҳам мос келмайди. Бу гап Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа, иқтисод ва юридик фанлар бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон филиалининг муассасаларига, айниқса, тааллуқлидир.

Кўпгина ҳолларда устун соҳаларни белгилаш, прогнозлар тузиш, институтларнинг структурасини ўзгартириш реал мавжуд имкониятларни ҳисобга олмай юзаки ўтказилди. Кўпинча илмий тематика мавжуд коллективлар талабига мослаб берилади — лабораторияларни номларигача ўзгартирилиб, аҳамияти оз битта тематика ўрнига механик тарзда иккинчиси олинади. Институтларни ихтисослаш ниҳоясига етказилмаганлиги сабабли илмий кучлар ҳамон кўпгина йўналишларга тарқаб кетмоқда.

Илмий муассасалар ва ташкилотларнинг тадқиқот натижаларидан амалда фойдаланиш борасидаги иши ҳамон қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштиришни айрим ишлаб чиқаришларда техникани яхшилаш ва янгилашни кўзлайдиган кўпроқ майда ишланмаларгина жорий этиш учун жалб қилинмоқда. Олинган иқтисодий самаранинг учдан икки қисмидан кўпи бундан аввалги йилларда жорий этилган ишланмаларга тўғри келади. Бешта янги ишдан биттасигина ихтиро автор, лик гувоҳномасига даъвогар бўла олади.

Кўпгина институтларда илм-фаннинг самараси ниҳоятда паст бўлиб қолаётганлигидан ажабланмаса бўлади. Масалан, тупроқшунослик ва агрохимия институтида бултурги якунлари бўйича сарфланган ҳар бир сўм атиги 9 тийин самара берганлиги каби аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди, дейилади йиғилишда. Ядро физикаси, химия институтлари, умуман механика ва бошқариш жараёнлари бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали ҳам харажатларни қоплай олмади. Айни маҳалда ўсимликлар экспериментал биологияси институтида сарфланган ҳар бир сўм халқ хўжалигига ўн икки баравар кўпайиб қайтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши кўп тармоқли илмий техника комплекслари, марказлар ва лабораториялар, муваққат илмий ҳамда илмий-ишлаб чиқариш коллективлари тузиш йўли билан тадқиқотларни ташкил этиш янги самарали шаклларини излаш ва улардан фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади. Академия, олий мактаб ва тармоқ фанларини интеграциялашга принципиал янги техника, технология ва материалларни биргалашиб яратишга, кенг кўламли иқтисодий ва социал проблемаларни, маориф ва маданиятнинг муҳим масалаларини ишлаб чиқишга куч-ғайратлар сарф ланмоғи лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. Искандаров, В. В. Сударенков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов бир группа олимларга Фан ва техника соҳасида 1987 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини топширди.

(ЎзТАГ).

Ҳайр, фестиваль!

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-88

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестивали экрани уч қитъа халқларининг орзу-умидлари ва ташвишларини, уларнинг яхши келажакни кўзлаб олиб бораётган курашларини акс эттирди. 92 мамлакат вакиллари, Фаластин Озодлик ташкилотининг, Чили ватанпарвар кучларининг, Жанубий Африкадаги Африкаликлар миллий конгрессининг кинематографчилари, БМТ вакиллари қатнашган ўнинчи учрашув 30 май куни Ўзбекистон пойтахтида ниҳоясига етди.

Тошкентга олиб келинган икки юздан кўпроқ фильм намойиши дунёни революцион тарзда янгилаш, ақл-идрокнинг калтабинлик ва зўравонликка қарши курашининг ҳаяжонли ҳикоясига айланди. Давримизнинг илғор ғояларини қарор топтириш, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кино кўп иш қила олишини фестиваль ишонарли тарзда тасдиқлади. Ижодий баҳсларни, ўтмиш мавзуидаги фильмлар кўригини, санъат усталари билан учрашувларни ўз ичига олган байрам муҳитининг ўзи ҳам бунга кўмаклашди. Конкурс анжуманга мусобақа тусини берди. Конкурсда қатнашиш учун Мексика, Аргентина, Япония, Бразилия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг кинематографчилари суратга олган 17 та фильм тақдим этилди.

Асосий совриН—афсонавий бахт қуши «Олтин семурғ» Ҳиндистон сари учади. Режиссёр Мигель Литтин (Чили ватанпарвар кучлари) бошчилигидаги ваколатли жюрининг бундай юксак баҳосига режиссёр Гоутам Гхошнинг «Ҳеч қаерга саёҳат» киноқартинаси сазовор бўлди.

Тошкент Санъат саройида киноқўрикнинг расмий ёпилиши маросимида бошқа лауреатлар ҳам эълон қилинди. Энг яхши дебют учун «Кичик Олтин семурғ» совринини Куба режиссёри Фернандо Перестнинг «Яширин курашчилар» киноленталари олишга сазовор бўлди.

«Ҳинди ва камелиянинг орзу-умидлари» фильмида аёллар ролини энг яхши ижро этганлик учун мисрлик актёр Нажла Фатхи «Олтин лола» совринини олди. Грузия киноактёри Леван Тедиашвилига «Хариба ва Гоги» картинасида эркак ролини энг яхши ижро этганлик учун «Олтин арча» совринн берилди. Режиссёр Георгий Шенгелаянинг мана шу фильмига жюрининг миллий характер ва анъаналарини ёрқин ифодалаганлик учун махсус мукофоти берилди.

Эшак миниб кетаётган Хўжа Насриддин тасвирланган совринн Хитойга олиб кетилади. Кино санъатида миллий анъаналарни сақлаб қолганлик ва ривожлантирганлик учун мукофотга режиссёр Ху Мининг «Ўрушдан олисда ўтган йиллар» фильми сазовор бўлди. Кинематография техник уюшмалари иттифоқи (УНИАТЕК) фильмларни тасвирий ифодалашда техникадан оригинал фойдаланганлик учун махсус соврин таъсис этган эди. Бу соврин режиссёр Ричард Аттенборонинг (Буюк Британия) «Озодлик даъвати» киноленталари ижодкорларига берилди.

— Фестиваль программаси хилма-хил ва мазмунли бўлди, — деди Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, кинофестиваль ташкилот комитетининг раиси С. У. Султонова фестивални ёпиш чоғида. — Фестиваль уч қитъа кинематографчилари ҳамжиҳатлигини ривожлантиришга, дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати, барча меҳнаткашлари номидан фестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларини Тошкент киноқўриги муваффақиятли якунланганлиги билан қизғин ва самимий табриклади.

Тошкент анжумани совриндорларига фестиваль байроғини тушириш фахрий ҳуқуқи берилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ўнинчи халқаро кинофестивалини тантанали ёпиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қатнашди.

Кечқурун фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари шарафига Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан қабул маросими ўтказилди.

(ЎзТАГ).

СССР ПАРЛАМЕНТ ГРУППАСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

СССР парламент группасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда парламент группасининг раиси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добрининнинг таклифига биноан йиғилиш Л. Н. Толкуновни саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга кетиши муносабати билан парламент группасининг раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Ю. Н. Христораднов СССР Парламент группасининг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари билан бирдамлик Покистон ташкилотининг Президенти Мирож Холид бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегация Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг таклифига биноан мамлакатимизга келган.

30 май куни делегация аъзолари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар. Меҳмонлар шаҳар чеккасидаги Карл Маркс номли колхозга бордилар.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ МУНОЗАРА МИНБАРИ

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини республикамиз меҳнаткашлари муҳокама қилмоқдалар, таклиф ва мулоҳазаларини ёзиб юбормоқдалар. Газетанинг учинчи бетида ана шу хатлардан айримлари билан танишасиз.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

СССР Олий Совети Президиуми ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани ратификация қилди

28 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси **А. А. Громико** раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри **Э. А. Шеварднадзе** Шартномани ратификация қилишга тақдим этган СССР ҳукумати топшириғига бинoан доклад қилди. Унинг докладида Шартноманинг тарихий, сиёсий аҳамияти кўрсатиб берилди, унинг асосий моддалари ҳар томонлама таҳлил этилди.

Совет Иттифоқи, деди у, Шартнома тузилганлигини рўёбга чиқарилаётган ташқи сиёсий концепциянинг асосли ва реалистик эканлигининг исботи деб, ядро қуролини шу аернинг охиригача босқичма-босқич тугатиш тўғрисида М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги баёнотида олға сурилган программанинг амалга оширила бошланганлиги деб билади. Стокгольмдаги аҳдлашувлар, Афғонистонга доир Женева битимлари билан бир қаторда бу Шартнома амалдаги янгича сиёсий фикрлашни ўзида мужассамлаштиради. Шартнома ядросиз, зўравонликсиз, анча бехатар дунё сари ҳаракат қилиб бориш учун кенг имконият — бунинг устига жаҳон миқёсида кенг имконият очади.

Бу Шартнома ҳарбий харажатларни амалда қисқартиришни бошлаб бериши, дарнинг энг қатъий талабларидан бирига мос бўлиб тушиши унинг келажак учун яна бир жуда муҳим аҳамиятидир.

Докладчи Шартноманинг амалий самараси тўғрисида гапириб, тежалган ва халқ хўжалиги бюджетига ўтказиладиган маблағлар социал эҳтиёжларни қондиришга сарфланади, деб таъкидлади. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш саноатнинг мудофаа тармоқларида ҳоли қилинадиган илмий-ишлаб чиқариш потенциалини совет кишилари энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш манфаатларини кўзлаб, ғражданларга аталган маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради. Ракеталар ишлаб чиқариш билан банд бўлган саноат қувватларини ўзгартириб, қайта ташкил этиш йўли билангина, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1988 йилдаёқ халқ хўжалиги учун ўн миллион сўмлаб реал қўшимча олиш мўлжалланмоқда.

Докладчи ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартномани, реал қуролсизланиш соҳасидаги биринчи катта битимни бажаришга тайёргарлик тўғрисида ахборот бериб, бу янги билим ҳамда малакаларни талаб этувчи мураккаб ва қийин иш эканлигини таъкидлади. Мудофаа министрлиги, бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар СССР Ташқи ишлар министрлиги билан биргаликда ҳамжиҳатлик билан ишлаб, тарихий вазифанинг аҳамиятини чуқур англаб, ракеталарни тугатишга ҳозирладилар, АҚШнинг инспекция группаларини қабул қилиб олиб, жойлаштиришни таъминладилар.

Америка томони ҳам тегишли ишларни бажарди. Бизнинг экспертларимиз контрол объекти билан ўша жойнинг ўзида танишдилар. Совет инспекторлик корпуси тузилди ва тайёрланди. Инспекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари хусусида Америка мутахассислари билан бир қанча техникавий маслаҳатлашувлар давраси бўлиб ўтди.

Шартномани муҳокама қилиш вақтида, деди сўнгра СССР ташқи ишлар министри, мамлакатда мана шу муҳим ҳужжатга берилган турлича баҳога дуч келинди. Баъзи жамоатчилик вакиллари: биз Ғарбга ён босмаяпмизми? Бирон-бир даражада мамлакатнинг мудофаа манфаатларига путур етказмаяпмизми? Шартномада бир томонлама қуролсизланиш элементлари мавжуд эмасми? — деган хавотирликни билдирдилар. Шартномани муҳокама қилиш чоғида жамоатчилик ана шу саволларга аниқ ва равшан жавоб олди, бу жавоблар унинг ташвиши ва шубҳа-гумонларини бартараф этди. Шунга қарамай, мен ҳукумат берган ваколатга мувофиқ қуйидагиларни айтишим керак:

Совет раҳбарияти мамлакатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган шундай битимларгагина эришиш учун ҳаракат қилиб келди ва шундай ҳаракат қилаверади. Бу биз учун энг муҳим вазифа бўлиб, уни ҳал этишда мудофаа нуқтаи назаридан зиён етказадиган ёки стратегик барқарорликни путурдан кетказадиган вариантларнинг амалда иложи йўқ.

Мамлакат раҳбарияти барча омиллари — ҳарбий стратегик, сиёсий, илмий-техникавий, иқтисодий ва экологик омилларни пухта ўлчаб кўриб ва шу асосда ракета-ядро воситаларининг икки турини тугатиш мудофаамизни заифлаштириш бир ёқда турсин, балки аксинча, стратегик барқарорликни мустаҳкамлайди, деган хулосага келгандан кейингина шартномани тузишга рози бўлди.

Докладчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати номидан Олий Совет Президиумига ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилишни таклиф этди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси **Е. К. Лигачев** СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссияларини номидан сўзга чиқди. У Ташқи ишлар комиссиялари янги Шартномани идрок этиш ва анализ қилиш, уни халқ манфаатларига, СССРнинг ташқи сиёсий йўлига мувофиқ ҳолга келтириш борасида катта иш қилганликлари ҳақида сўзлаб берди.

Шартнома ҳар иккала палата комиссияларининг қўшма мажлисларида ва тайёргарлик комиссиясида муноза-ра муҳитида, ишчанлик билан, конкрет ва батафсил муҳокама қилинди, деб таъкидлади нотиқ. СССР манфаатдор министрликлари ва идораларининг, нуфузли экспертлар ва олимларнинг фикрлари тингланди. Мажлисларнинг бирида шартнома бевосита даҳл қилувчи мамлакатлар сифатида ГДР ва ЧССР парламентларининг вакиллари иштирок этдилар. Совет ва чет эл жамоатчилиги турли доираларининг намояндалари ўз нуқтаи назарларини баён этдилар.

Комиссиялар шартномани пухта анализ қилганликлари ва у атрофлича муҳокама этилганлиги шундай хулосаларга келиш имконини бердики, уларни қисқа қилиб, қуйидагича якунлаш мумкин. Биринчиси — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартноманинг СССР хавфсизлиги манфаатларига ва анча кенгроқ жиҳатдан олганда — бир томондан Совет Иттифоқи ҳамда Варшава Шартномасидаги мамлакатлар учун, иккинчи томондан эса АҚШ ва унинг иттифоқчилари учун баб-баравар, бир хил хавфсизлик талабларига мувофиқ эканлиги ҳақида.

Иккинчиси — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартнома қоидаларига риоя этилишини контрол қилиб туриш тўғрисида. Комиссиялар мазкур масалани ўрганиб чиқиб, Шартномада контрол системаси белгиланганлигини таъкидладилар, бу система жойларнинг ўзида текшириш ўтказишни ўз ичига оладики, бу нарса Шартнома қоидаларига қатъий риоя этилишига юксак даражадаги ишончни таъминлайди.

Учинчиси — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартноманинг социал-иқтисодий ва бошқа жиҳатлари ҳақида. Комиссиялар ўзларига тақдим этилган материалларга асосланиб, шунга ишонч ҳосил қилдиларки, мамлакат Шартнома амалга оширилиши натижасида ҳоли қилинадиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни тинчлик эҳтиёжларига йўналтиришдан наф кўради.

СССР Олий Совети палаталарининг Ташқи ишлар комиссиялари 23 май куни ўтказилган қўшма мажлисдаги ишларига якун ясаб, ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартнома маъқуллансин ҳамда уни ратификация қилиш СССР Олий Совети Президиумига тавсия этилсин, деган якдил хулосага келдилар.

Йиллар ўтади. Бошқа замонлар келади. Аммо минтақадор авлодлар бу ишни инсоният ядросиз, зўравонликсиз дунё йўлида олиб бораётган узоқ ва машаққатли курашдаги катта воқеалар қаторига қўшадилар, деди пировардида Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри **Д. Т. Язов**, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. В. Щербицкий**, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Л. Н. Зайков**, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. Е. Соколов**, ВЦСПС раиси **С. А. Шалаев**, Москва областидаги Подольск машинасозлик заводининг электр пайвандчиси **Н. Н. Рижова**, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги Физика институтининг директори, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг раиси академик **Н. Г. Басов**, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи президиумининг раиси **В. В. Терешкова** ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар.

Нутқларда қайд этиб ўтилганидек, ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартнома бундан буёнги халқаро тараққиёт, планетанинг сиёсий иқлимини соғломлаштириш, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш учун, бутун дунё тақдири учун чинакам тарихий аҳамиятга эгадир. Ядросиз дунё сари, реал қуролсизланиш сари, мухолифликдан кескинликни юмшатиш сари, фаол тинч-тотув яшаш сари муҳим қадам қўйилди. Икки томонлама Совет — Америка муносабатларида, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришда янги муҳим босқич бошланди.

СССРнинг халқаро муносабатлар бутун жабҳаси бўйлаб зўр ғайрат билан сарфлаётган изчил куч-ғайратлари, партия ва давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятида янгича сиёсий фикрлашнинг қарор топганлиги ядровий қуролсизланишдан иборат қийин жараёнда реал натижаларга, реализм ва ақл-идрок тантанасига олиб келди. Имзоланган Шартнома — ҳарбий-сиёсий ҳужжатгина бўлиб қолмай, шу билан бирга одамларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётган ниҳоятда умуминсоний ҳужжат ҳамдир. У дунёда янгича сиёсий ва социал-психологик муҳитни вужудга келтирмоқда ва стратегик қуролларни ҳамда бошқа қурол турларини қисқартиришга доир бундан буёнги ишлар учун яхши намуна бўлиб қола олади.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, Шартнома кучга киритилиши билан СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигига зиён етказилмайдигина эмас, шу билан бирга жаҳонда уруш хавфи ва кескинликнинг умумий даражасини пасайтиришга ҳамда шу тариқа хавфсизлигимизни оширишга ҳам муваффақ бўлинади. СССРнинг мудофаа қобилияти бундан буён ҳам шундай даражада бўладики, у совет кишиларининг тинч меҳнатини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини беради.

Мажлисда сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси Шартнома ратификация қилинишини якдиллик билан ёқлаб, фикр билдирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. А. Громико** бўлиб ўтган муҳокамага якун ясаб, қуйидагиларни айтди:

Бугунги нутқлар шуни кўрсатдики, мазкур масала ҳар иккала палата ташқи ишлар комиссияларида ҳам, дастлабки босқич—тайёргарлик комиссиясида ҳам муфассал ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган. Олий Совет депутатлари Шартномани КПСС ташқи сиёсатининг туб принципларига, Совет Иттифоқи ҳамда унинг иттифоқчилари мудофаа манфаатларига, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига мувофиқ келиши позицияларида туриб муҳокама қилдилар.

Ташқи ишлар комиссияларининг хулосасида бўлгани каби, бугун Шартномани ратификация қилиш, унинг кучга кириши ва иккала томон уни изчиллик билан бажариши шу мақсадларга тўла-тўкис мос келиши тўғрисидаги хулоса якдиллик билан билдирилди.

Бизнинг мажлисимиз АҚШ президентининг Москвага визити ва олий даражадаги музокаралар арафасида ўтмоқда. СССР Олий Совети Президиуми Шартномани ратификация қилиши қонун чиқарувчи орган бутун халқимиз номидан Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни амалий равишда ривожлантиришга қаратилган йўлни қўллаб-қувватлаётганлигини яққол намойиш этади. Биз етилган муаммоларни амалий тарзда муҳокама қилиш ва имкони бўлган ҳамма жойда уларни ҳал этиш тарафдоримиз. Совет — Америка муносабатларида айни шундай муҳитни мустаҳкамлаш халқаро ишлардаги бутун вазият учун қандай аҳамиятга эга эканлиги барчага равшан.

АҚШда ратификация жараёни кеча ниҳоясига етди. Биз Америка томонининг шу қарорини табриклаймиз.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

СССР Олий Совети Президиуми ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани бир овоздан ратификация қилди. А. А. Громико ратификация ёрлиғига имзо чекди.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТАЧА ОЛИСЛИК ВА КАМРОҚ ОЛИСЛИК РАКЕТАЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади**:

Ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган, СССР Министрлар Совети томонидан ратификация қилиш учун тақдим этилган ва Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари томонидан маъқулланган Шартнома **ратификация қилинсин.**

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль, 1988 йил 28 май.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Яқинда Вьетнам Социалистик Республикасининг ва Кампучия Халқ Республикасининг ҳукуматлари 1988 йилда Кампучиядан вьетнамлик 50 минг кўнгилнни, яъни бу мамлакатда турган ВСР ҳарбий қисмлари шахсий составининг ярмини олиб чиқиб кетишга қарор берганликларини эълон қилдилар. Кампучиядаги Вьетнам кўнгилли кучларининг қўмондонлиги ВСРга ўтказилади, қолган қисмига раҳбарлик қилиш КХР ихтиёрига топширилади. Кампучия — Таиланд чегараси бўйлаб тинчлик зонасини яратиш мақсадида Вьетнам бўлинмаларини чегарадан 30 километр нарига олиб кетишга ҳам қарор қилинди. Қўшинларнинг олиб чиқиб кетилишини кузатиб бориш учун ҳукуматлар, халқаро ташкилотларнинг, Кампучия муаммосига қизиқадиган барча ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилади.

Совет Иттифоқида ВСР ва КХР ҳукуматларининг қарорига Жануби-шарқий Осиёдаги маҳаллий можарони бартараф этишга, дунёнинг шу районидаги ҳарбий кескинликни тугатиш ва вазиятни нормаллаштириш жараёнига қўшилган катта амалий ҳисса, деб қаралмоқда. Бу ҳаракат бирон-бир шарт қўймай, амалга оширилмоқда. У Кампучия муаммосини тезроқ ҳал этишдан манфаатдор бўлган ҳамманинг куч-ғайратига тамомила мос келади. Кампучия халқининг ҳақиқий манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлик, региондаги барча давлатлар манфаатлари мувозанатини назарда тутиш қабул қилинган қарорга асос этиб олинганлиги мутлақо равшандир.

Вьетнам қисмлари шу қадар кўп қисқартирилиши Вьетнам ҳукуматининг сўзи билан иши бир эканлигини, у Кампучиядан Вьетнамнинг ҳамма қўшинларини 1990 йилгача олиб чиқиб кетиш тўғрисида аввалдан эълон қилган ниятини изчиллик билан амалга ошириб бораётганлигини тасдиқлайди.

Икки дўст мамлакат ҳукуматлари қўйган қадам Кампучияда ички сиёсий ва социал-иқтисодий вазият барқарорлашиб бораётганлигидан ҳам далолат беради, Вьетнам халқ Кампучиясининг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилаётганлигини кўрсатади.

Бу янги ташаббус, шубҳасиз КХР Министрлар Кенгашининг раиси Хун Сен билан шаҳзода Н. Сианук ўртасида мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда Вьетнам билан Индонезия ўртасидаги маълум аҳдлашувни назарда тутган ҳолда, Кампучиядаги барча томонларнинг музокаралар ўтказиши учун қулай имкониятлар ҳам яратиб беради.

Совет Иттифоқи ВСР билан КХР ҳукуматларининг бу муҳим ҳаракатини маъқуллайди ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, бу ҳаракат Кампучия теварагидаги вазиятни миллий яраш руҳида, мавжуд воқеликларни тан олиш асосида, можарога бирон-бир йўсинда жалб этилган ҳамма кучлар иштирокида сиёсий йўл билан бартараф этиш учун янги имкониятлар очиб беради. Вьетнам ва Кампучия иккинчи томонга жавобан катта қадам қўймоқдалар. Энди ўша томоннинг жавоб ҳаракатига кўп нарса боғлиқ бўлади.

Совет Иттифоқи барча манфаатдор давлатлар билан биргаликда Жанубий-шарқий Осиёдаги можароли вазиятни ижобий ҳал қилиш йўлини изланишга, Осиё — Тинч океани регионида тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликни қарор топтиришга фаол ёрдам беришга тайёрдир.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этишга эришишга оид аниқ-равшан ва мувозанатли мажбуриятлар мажмуасидан иборат бўлмиш Женева битимларининг имзоланиши жаҳон ҳамжамиятида кенг миқёсда ижобий назар билан кутиб олинди. Жаҳон ҳамжамияти Женевада эришилган аҳдлашувларни энг ўткир ва чўзилиб кетган маҳаллий можаролардан бирини бартараф этишда Афғонистон муаммосининг барча жиҳатларини тўла-тўкис ва узил-кесил ҳал этиш йўлини очадиган энг муҳим қадам, бурилиш нуқтаси, деб мутлақо асосли равишда таърифлади.

Бироқ, Женева битимлари кучга кирганидан буён орадан икки ҳафта ўтгач Женевадаги дипломатия жараёни тугаганлиги туфайли вужудга келган умидворлик ўрнига жафокаш Афғонистон диёрида қон тўкилишини тўхтатишга ва барқарорлик ўрнатишга астойдил интилувчи барча тинчликсевар кучлар таажжубланиб, тобора кўпроқ умидсизликка тушиб қолмоқдалар.

Бошқа ҳар қандай халқаро битимлар каби Женевада имзоланган ҳужжатлар ҳам уни унда қатнашувчи барча томонлар аниқ бажарган тақдирдагина амалий маънога ва аҳамиятга эга бўлади. Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси Женева битимларига айни мана шундай вазминлик ва масъулият билан ёндашмоқдалар. Битимлар кучга киргандан кейин дастлабки икки ҳафта мобайнида ўн минг кишилик ҳарбий қисмлар тегишли жанговар техника ва қурол-яроғ билан бирга Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлиги бунинг далилидир. Совет қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини шу қисмлардаги ўнлаб ажнабий мухбирлар кузатиб туришди. БМТнинг назорат механизми кузатувчиларига қўшинларни олиб чиқиб кетишни ва унинг параметрларини қайд этиш учун ҳамма зарур шарт-шароитлар ҳам яратиб берилди.

Женева битимларининг бошқа қатнашчилари ҳозирча бу битимларни амалга оширишни бир томоннинг иши, деб ҳисоблаб, амалда бутун ишни чекланган совет ҳарбий қисмларининг чиқиб кетиш муддатлари ва босқичларига риоя этишдангина иборат қилиб қўйишга уринмоқдалар, деган таассурот вужудга келмоқда. Женева аҳдлашувларига бундай ёндашувнинг ҳеч қандай юридик асослари йўқ, балки бу Женевада кўп машаққатлар билан эришилган натижага бевосита суиқасд, уни қўпоришга уринишдир.

Покистон территориясидан Афғонистоннинг ички ишларига аралашувни тўхтатиш тўғрисидаги қоида Женева битимларининг асоси, ўзаги эканини эслатиб ўтмоқ керак. Аралашмаслик тўғрисида Афғонистон—Покистон битими текстига киритилган мажбуриятлар асосидагина совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалани ҳам келишиб олиш имконияти туғилди.

Бироқ Покистон Женевада имзоланган битимларни бажармаяпти. 15 майга келиб, Афғонистон ишларига четдан аралашув тўхтатилиши бир ёқда турсин, ҳатто бундай аралашув кучайтириб юборилди. Ўзаро муносабатлар принципи тўғрисидаги икки томонлама Афғонистон—Покистон битимининг иккинчи моддаси, шундан аралашувни тўхтатишга оид аниқ-равшан тадбирлар рўйхатидан иборат бўлмиш аралашмаслик ва интервенциядан воз кечиш тўғрисидаги битим қўпол равишда бузилмоқда.

Буни исботламоқ учун аниқ-равшан фактларни келтириш мумкин. Масалан, Покистоннинг расмий ҳукумат ташкилотлари қуролланган афғон оппозициясининг отрядларини, шунингдек, қурол-яроғ ортилган карвонларни кўпдан-кўп тоғ довонлари, шу жумладан, Гакгай, Шингор, Лаванрўй, Аранда ва бошқа довонлардан ҳеч бир тўсиқсиз ўтказиб юборишни таъминлаб турибдилар. Ҳайбар, Куррам ва Болон тоғ йўллари каби карвон маршрутларидан ҳам шу мақсадда зўр бериб фойдаланилмоқда. Афғонистон оппозициясига мўлжалланган ҳарбий юклар, шу жумладан, реактив снарядлар, зенит ва танкурар қуроллар ортилган 100 тадан кўпроқ автомашина 16 май ва шундан кейинги кунларда Исломободдан чегарадаги Парачинор ва Ланд-Котал шаҳарлари атрофида жойлашган базаларга юборилди. Покистон армиясининг Хавелнан, Кохат, Новшарда ҳарбий омборларида кеча-ю кундуз иш тўхтамай, улардан Покистоннинг ҳарбий транспортида чегара районларига Афғонистон ҳукуматига қарши куч-ларга аталган қурол-яроғ ва ўқ-дорилар элтиб берилмоқда.

Покистон территориясида Афғонистон территориясидаги жанговар ҳаракатларни уюштирувчи штаблар ва Афғонистон ҳукуматига қарши гуруҳларнинг Афғонистонга қарши қаратилган, бошдан-оёқ уйдирма-туҳматдан иборат бўлган ашаддий кампанияни бемалол давом эттираётган ахборот-ташвиқот марказлари ишлаб турибди.

Покистон территориясида жойлашган «Еттилар уюшмаси»га кирувчи қуролли оппозициянинг марказий қароргоҳи ўзининг оддий режимдаги ишини давом эттирмоқда.

Покистонда исёнчилар ва қўпорувчиларни тайёрлаш марказлари шу пайтгача ҳам тугатилгани йўқ ва ишлаб турибди. «Уюшма»нинг катта-катта тўдалари ҳам ўша ерда. 21 май куни Покистон маъмурлари «уюшма» раҳбариятига Афғонистон территориясига қурол-яроғ ва ўқ-дори юборишни кучайтиришни «тавсия» этдилар.

Женева битимлари очиқ-дан-очиқ бузилаётганини кўрсатувчи ҳатти-ҳаракатларнинг бу рўйхати шу билангина чекланмайди, унга бошқа фактик материалларни ҳам қўшиш мумкин.

Афғонистоннинг ички ишларига Покистоннинг аралашуви жуда ҳар хил турда ва усулда, шу жумладан Афғонистонга қарши қўпол чиқишлар, расмий даражада ҳам амалга оширилмоқда. Афғонистон Республикасининг қонуний ҳукуматига ва президент Нажибуллога қарши ҳақоратомуз ҳужумлар қилинмоқда, қуролли оппозиция ҳақиқатда Қобулга қарши актив уруш ҳаракатларини давом эттиришга чақирмоқда. Женева битимларининг руҳи ва харфига хилоф равишда Покистон томони, жумладан расмий даражада афғон оппозициясига қурол-яроғ етказиб бериш давом эттирилиши керак, деб даъво қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Покистон раҳбариятининг уруш-қоқлик кайфияти Афғонистон ҳукуматига қарши куч-ларга махсус аталган Америка қуролини кўплаб етказиб бериш билан мустаҳкамланмоқда, бу ноҳўя иш афғонлар ўртасидаги бародаркушлик урушини тўхтатиш мақсадига хизмат қилмайди.

Баён этилган мана шу фактлар муносабати билан Совет Иттифоқи ва Афғонистон Республикаси Покистон томонидан Женева битимининг қоидалари мана шундай очиқдан-очиқ бузилаётган бир пайтда қўшинларни олиб чиқиб кетиш графиги хусусида тегишли хулосалар чиқариб олишлари, Исломободнинг ғайриқонуний ҳаракатларига жавобан конкрет тадбирлар кўришлари мутлақо табиий бўлур эди. Ҳар ҳолда, башарти Покистон томони ўз территориясидан Афғонистоннинг ички ишларига аралашув тўхтатилиши учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, Совет Иттифоқи бунга жавобан вазият талаб қиладиган чоралар кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Покистон раҳбарияти соғлом ақл-идрок ва реализм кўрсатиб, Женева битимлари бекаму кўст амалга оширилиши учун ҳамма ишни қилади, деб умид билдиришни истардик.

СЕНАТ ЎРТАЧА ВА КАМРОҚ ОЛИСЛИК РАКЕТАЛАРИГА ОИД ШАРТНОМАНИ МАЪҚУЛЛАДИ

ВАШИНГТОН, 28 май. (ТАСС). АҚШ Конгресси ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка Шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги резолюцияни жума куни кечқурун кўпчилик овоз билан маъқуллади. Уни 93 сенатор ёқлаб овоз берди, 5 сенатор қарши чиқди.

Бу хабар залда гулдурос ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Қуролсизланиш йўлидаги биринчи муҳим қадам бўлиб қолиши мумкин бўлган Шартномага мувофиқ, АҚШ билан СССР ядро қуролининг бутун бир туркумини йўқ қилиб ташлаши лозим.

Оқ уй президент Рейганнинг Баёнотини тарқатди. Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «Мен оралиқ олислик ракеталарига оид шартномани Ратификация қилишга розилик берган. АҚШ сенатининг ишидан ғоят мамнунман. Яна икки кундан кейин мен Бош секретарь Горбачев билан учрашиш учун Совет Иттифоқига етиб бораман... Сенатнинг қарори бизнинг қурол-яроғларни қисқартириш соҳасидаги мақсадларимиз қўллаб-қувватланганидан яққол далолат беради». Сенат томонидан маъқулланган ҳужжат Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари Говард Бейкерга топширилди, у мазкур ҳужжатни президент Рейганга етказади.

• *Тошкент кинофестивали:*

ИЖОДИЙ ҲИСОБОТЛАР

26 яшар кубалик Луис Альберто Гарсиа қурол олиб, ўз халқи учун озодликни қўлга киритган ота тақдирини экранда кўрсатди. У «Яширин иш кўрувчилар» фильмида батиста диктатурасига қарши актив курашган революциянинг ёш жангчиси ролини ўйнади.

— Мен биринчи марта ижро этаётган шу ролни ўйнаш менга ишониб топширилганидан бахтиёрман, деди ёш актёр. — Биз ўз адолатли ишларини давом эттиришни бизга васият қилган қаҳрамонлар хотирасини авлодимиз номидан ҳурмат билан эслашни хоҳлаймиз.

Экран санъаткорлари бугунги кун зиддиятларининг манбаларини ўтмишдан қидириб, замонларнинг чамбарчас алоқасини таъкидламоқдалар. «Ҳаёт мамот кураши»— Мексика фильмининг воқеалари томошабинларни қадим замонларга, инсониятнинг болалигига қайтарса-да, унда ҳозирги замоннинг овози баралла эшитилиб туради. Чунки фильм замиридаги инсонпарварлик, эзгулик, адолат ғоялари биз, XX асрнинг охирида яшовчиларга қаратилгандир.

Ҳамма замонларда одамлар ҳамжиҳатликка интилишган, авлодларга яхшилик ва фаровонлик тилаганлар, дейди картинанинг 32 яшар режиссёри Роберто Рочин.— мўрт планетамиз бетинч бўлиб турган ҳозирги пайтда бу мавзу муҳимлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам миллион-миллион кишилар ўз орзу-умидларини Совет Иттифоқи изчил ўтказиб келаётган тинчлик сиёсати билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Мана ҳозир ҳам бутун дунё нигоҳи икки буюк давлат бошлиқларининг учрашуви ўтадиган Москвага қаратилган. Ижобий якун халқаро вазиятнинг юмшашига кўмак беради.

Америкалик продюссер Лэрри Кларк ҳам шу фикрдадир.

У фестиваль доирасида Анжела Дэвис билан бирга Совет-Америка «Секин сузувчи қайиқ» фильмини яратиш тўғрисида музокаралар олиб бормоқда. Бу фильм йигирманчи йилларда АҚШ дан Совет Иттифоқига келиб қолган муҳожирларнинг тақдирига бағишланган. Улар орасида Америка негрларининг ҳуқуқлари учун курашган ва кўп йиллар Ўзбекистонда яшаган Оливер Голден ҳам бор.

Анжуман янги-янги номлар ва янги- янги тақдирлар очиб давом этди. Бош экранда Филлиппин, Ироқ, ХХР санъат арбоблари ижодий ҳисоб бердилар. Ахборот кўригида Австралия, Канада, Колумбия, Танзания ва Мексика картиналари намойиш этилди. «Кино ва миллий маданият анъаналари» симпозиуми ишлади.

О. КОСТРОМИНА,
Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбирлари.

БУНИНГ КИМГА НАФИ БОР?

«МОСКОВСКИЕ НОВОСТИ» ГАЗЕТАСИДАГИ МАҚОЛА ХУСУСИДА

БАКУ. 28 май. (ТАСС). Азоринформ агентлиги хабар қилади: Тоғли Қорабоғдаги ва унинг теварагидаги воқеалар Озарбайжон ва Арманистон, бутун мамлакат жамоатчилигини ҳамон тўлқинлантирмоқда. Марказий матбуот, республика оммавий ахборот воситалари шу мавзуга муттасил қайтмоқда. Бу тушунарли албатта — кишилар содир бўлган воқеа тўғрисидаги ишончли, объектив ахборотни, унинг сабабларини жиддий, муфассал таҳлил этилишини кутмоқдалар. Шундай мураккаб шароитда вазминлик, холислик ва объективлик талаб этилади. Чунки миллий муносабатлар нозик соҳа бўлиб, эҳтиётсизлик билан айтилган ҳар бир сўз, ноҳақ гап алангани ловуллатиши, миллатлараро вазиятни кескинлаштириб юбориши мумкин. Матбуотимиз ҳамиша амал қилиши лозим бўлган принцип — ҳақиқат ва фақат ҳақиқат принципи ҳозирги пайтда айниқса муҳим бўлиб қолмоқда.

Афсуски, баъзан буни унутиб қўйишади. Ана шунда воқелик бузиб кўрсатилган, фактларга ўзбошимчалик билан мурожаат этилишига йўл қўйилган мақолалар пайдо бўлиб қолади.

Масалан, «Московские новости» газетасининг 22 май сонида газета мухбири Ю. Черковга ўт қўйишга уринилганлиги фактини қатъиян рад этди. «Тахминан 15 майда, деб ёзади у, арманлар черковига бир киши келиб, ўзини «Московские новости» газетасининг мухбири деб таништирди. У черковга қатновчилар сони, уларнинг кайфиятлари билан қизиқди, черковга Сумгаитдан қочоқлар келишидими, деб сўради... гўё черковга ўт қўйишга уриниб кўрилди, деган гапни айтганим йўқ. «Московские новости» газетаси мухбирининг хатти-ҳаракатлари мени газаблантирди. Мен мақолада келтирилган фактлар расмий равишда рад этилишини талаб қиламан».

Ёлғон гапнинг кимга кераги бор, деган савол туғилади. Ҳар хил бўҳтонлар ва миш-мишларга қатъий зарба берилаётган бир пайтда «Московские новости» газетасида мақола янги уйдирма ва миш-мишлар пайдо бўлишига кўмаклашади. Яна бир нарсани айтайлик: бундай (хатомикан?) Озарбайжон ва арман халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга асло хизмат қилмайди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

ҚАЙТА ҚУРИШ — ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ ИШ

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА КЕЛГАН ХАТЛАР

ҲАҚҚОНИЙЛИК, ОШКОРАЛИК, ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИНГ УМУМИЙ ТОМИР УРИШИ КЕСКИН ЯХШИЛАНДИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИБ БОРАЕТИР, ЭСКИРГАН СТРУКТУРАЛАРГА ВА ТУРҒУНЛИК ҲОЛАТЛАРИГА ҲУЖУМ БОШЛАНДИ. АММО ШУ ПАЙТГАЧА ҚИЛИНГАН ИШЛАР — ПАРТИЯ ВА ЖАМИЯТНИ ЧУҚУР, ҲАР ТОМОНЛАМА ДЕМОКРАТИЯЛАШДАН ИБОРАТ ҒОЯТ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МУРАККАБ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БУСАҒАСИ, ХОЛОС.

(КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларидан).

Делегатлар ҳақида ҳикоялар

ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ

Совхозда унга ҳамма ҳавас қилади, ҳурматини жойига қўяди. Бизнинг фахримиз, донгдоримиз, дея улуғлайди. Ҳа, деҳқон фарзанди ҳалол меҳнати туфайли бахт топди, шараф топди. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати бўлди, ушбу анжуманда Марказий Комитет аъзолигига кандидатликка сайланди. Энди эса Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида иштирок этади.

Фотима Исроилова давр қизи, қатор касб эгаси. Агроном-бригадир, ташаббускор механизатор, меҳрибон она. Унинг тандирда ёпган нонини емабсиз, дунёга келмабсиз. Ҳамиша пахта ҳақида ўйлайди, ваъданинг устидан чиқиш учун фидойилик кўрсатади. Ўта камтар, иродали. Сўзни тежаб, суҳбатдошини аяб гапиради. Энг оғир шароитда ҳам ҳазилмутойибани унутмайди. Қўшиқ билан ҳамиша ошно.

Унинг ҳаётини синчиклаб ўрганган киши иродасига, уддабуронлигига, сабр-тоқатига қойил қолади. Кекса деҳқонларнинг айтишларича, бу аёлнинг ўрнида бошқаси бўлганда саросимага тушиб қолиши ҳеч гап эмасди. Нега десангиз, нодон эр ичкиликка ружу қўйди-ю тотувлик, рўзғордан барака йўқолди. Онла бошлиғи насиҳатга юрмади. Фотиманинг тинчи йўқолди, дастлаб нима қиларини билмай боши қотди. Кунларнинг бирида ажойиб пахтакор Майрамхон Қаюмовага маслаҳат солди. Ўн беш йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилган бу аёл ҳамкишлоқлари ўртасида катта обрў-эътиборга эга эди.

— Ҳаёт ғоят мураккаб, синглим, — деди у самимий оҳангда, — одам оласи ичида экан. Сезиб юрибман, эринг ношукур чиқди. Бахтининг қадрига етмади. Аммо ўксинма, бизнинг замонамизда ҳеч ким хор-зор бўлмайди. Сафимизга қўшил, она заминни эъзозла, пахта ундир. Кўрасан: ҳали ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Фотима иккиланмай бригадага ишга ўтди. Ҳар бир ниҳолни фарзандидек ардоқлади. Қишлоқ ҳамда чинакам қаҳрамонлик кўрсатди. Вақт ўтиши билан трактор бошқаришни ўзлаштириб олди. Энди қатор ораларига ишлов бериш, кузакда ҳосилни агрегатлар ёрдамида саранжомлашда намуна бўла бошлади. Мўмай даромад туфайли ўзини анча тутиб олди. Совхоз раҳбарлари ҳалол меҳнатлари эвазига енгил автомашина билан мукофотладилар.

Меҳнатдаги муваффақиятлар, яхши одамларнинг қўллаб-қувватлашлари унга қанот бағишлади. Андижон пахтачилик институтига сиртдан ўқишга кирди. Ҳозир агрономия факультетининг охирги курсида таҳсил кўрмоқда. Бахт бир келса, биракайига келар экан. Коммунистлар уни КПСС аъзолигига қабул қилдилар. Совхоз дирекцияси, партия комитети бригадага бошлиқ этиб тайинлади. Ёш коммунист юксак ишончни оқлаш учун омилкорлик билан ишга киришди. Бригада аъзоларининг унумли ишлаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароит муҳайё қилди. Ёш болали аёлларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатди. Унинг ташаббуси билан йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар якшанба куни болали оналар ишдан озод этилдилар. Мусобақа қизғин тус олдирилди. Илғорлар тажрибаси, фан-техника ютуқлари амалиётга татбиқ қилинди. Натижада ўтган йили Фотимахоннинг бригадаси районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиштирилди. Унинг деярли барчаси зангори кемалар бункеридан тўкилди. Собиржон Иброҳимов, Норматжон Тўрақулов сингари суворийлар биринчи маротаба 100 тоннадан ошириб пахта теришга эришдилар.

— Қувончли натижаларга эришишда пудратнинг аҳамияти беқиёс, — дейди бригадир. — Илғор усулнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Одамлар ҳалол меҳнат зое кетмаслигига чуқур ишонч ҳосил қилишди. Ижро интизоми мустаҳкамланди. Мавжуд имкониятлар тўла ишга солинди. Шу боисдан оилавий звеноларнинг ҳар бири йил якунида 1.500—1.600 сўмдан мукофот пули олдилар. Бунинг устига 16,7 минг сўм маблағ тежалди.

Дала шийпонида делегат билан дилдан суҳбатлашдик. Пахта деса жонини ҳам аямайдиган бу аёл тобора бизни лол қолдирарди. Беихтиёр ён дафтарига кўз югуртирдим. Унда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашув материалларидан кўчириб ёзилган қуйидаги сатрлар эътиборимни тортди:

«...Одам ўзини аллақандай мардикор эмас, ернинг эгаси деб ҳис қила бошлади. Энди унинг ўзига биркитилган машина-ускуналари бор, энди у машина ёки трактории ҳар қандай йўлга ҳам чиқаравермайди. У йўлларни тузатинг, деб талаб қилмоқда... ҳақиқий хўжайин пала-партиш иш тутмайди, у энди бошқаларнинг ҳисобидан яшай олмайди. Ижара пудратининг ҳар хил шаклларига ўтган кишилар ор-номусли одамлардир, улар ҳеч қачон бир-бирларига панд бермайдилар».

Шубҳасиз, бу гаплар Фотима Исроилова каби асл деҳқонлар ҳақида айтилган. Бригада аъзолари сўмни сўмга уриштириш ҳақида жиддий бош қотиришяпти. Шу мақсадда шийпон ёнидаги бир гектар ерга карам экилди. Деярли шунча майдонга маккажўхори, гречиха уруғи ташланди. Ҳисоб-китобларга қараганда карамнинг ўзидан 7,5 минг, кечки кабзидан 4,5 минг сўм даромад қилиш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда иноқ коллектив партия конференцияси шарафига зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Тоҳиржон Ҳайдаров, Абдумутал Турдиев, Абдувоҳид Кенжаев, Исмоилжон Отабоев бошлиқ звеналар мусобақада пешқадам. Ғўза ниҳоллари бир текис ривожланмоқда.

— Кейинги икки йил ичида пахтачиликни ривожлантиришда илдам қадамлар қўйилаяпти, —фикр билдирди пахта устаси И. Отабоев. — Масалан, бизнинг звеномизни олиб кўрайлик. 20 гектар майдонда экин парваришлаяпмиз. Агротехник тадбирлар вақтида, сифатли амалга оширилмоқда. Яхши ишлаётганимиз ўзимизга ҳам, давлатга ҳам катта фойда бўлаяпти. Жорий йилда ҳаммаси бўлиб 21 минг сўм атрофида мукофот пули олиш мўлжалланаяпти. Улуғ ишнинг бошида Фотима Исроилова каби дала даргалари туришибди. Бундай эътиқодли коммунистлар бор жойда иш олдинга босаверади.

Барибир аёл кишига осон эмас. Заҳматли меҳнатдан сўнг уй-жой, болачақа ташвиши... Бахтига фарзандлари ёнига кириб қолишди. Тўнғичи Юсуфжон 8-синфда ўқийди. Гоҳида онаизор ишдан чарчаб келиб, ҳолсизгина диванга чўзилади. Хомуш тортиб, хаёлга чўмганида Юсуфжоннинг луқмон гаплари кўнглини кўтаради:

— Ойижон, ҳадеб ўйлайверманг. Сизга хафалик ярашмайди. Бир кулинг, ойижон! Биз сизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаймиз.

Пайкал оралаб юрган ирригатор Тешабой Умрзоқов қаршимизга пешвоз чиқди.

— Фотиманинг институтда олаётган билимлари ғоят асқотмоқда, — деди у ғўзаларга меҳр билан тикилиб. —Унинг бошчилигида зараркунандаларга қарши биологик усулда муваффақиятли кураш олиб борилмоқда. Яна бир нарса. Ҳар йили ипак қурти парвариши бошланиши билан пайкалларни бегона ўт босарди. Бригадирнинг талабчандиги, ташкилотчилиги туфайли ҳаммасига улгураяпмиз. Шубҳа йўқ, бу йил ҳам мажбурият шараф билан бажарилади.

...Қуёш уфққа бош қўйди. Заршунослар бирин-кетин пайкаллардан чиқа бошладилар. Улар қанчалик чарчаган бўлишмасин, руҳлари тетик эди. Негаки ҳар бир кун унумли ва самарали ўтмоқда. Мурғак ниҳоллар кун сайин бўй чўзаяпти. Зеро, деҳқоннинг кайфияти пахтасига боғлиқ.

Ҳ. РУСТАМОВ.

Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхози.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезислари ҳар бир совет кишисининг қалбидан чуқур жой олди. Ҳаётнинг ўзи тақозо этган бу ҳужжатда етилган, долзарб муаммолар, олға томон боришимизга ҳалақит берувчи турғунлик ҳолатларини бартараф этиш йўл-йўриқлари равшан кўрсатилган.

Тезисларда: «Турғунлик йиллари мамлакатни иқтисодий кризис ёқасига келтириб қўйганлиги маълум. Хўжалик юритишнинг экстенсив, аслида чиқимдорлик системасининг умри бутунлай тугади. Хўжалик структураси, техникавий даражаси ҳозирги талабларга мос келмай қолди. Бошқарувнинг бўйруқбозлик - маъмуриятчилик усуллари ғоят жиддий тўсиққа айланди», — дейилган.

Бинобарин, бир майдонда ўн йиллаб нуқул пахта етиштириш, барча экинзорларни пахтазорларга айлантириш инсофданми? Бунақада чорва учун озуқа қаерда етиштирилади, сабзавот, мева қаердан олинади? Ҳолбуки, бир вақтлар юртимизда бу неъматлар мўл эди. Энди эса деҳқонларнинг ўзлари ҳам маҳсулот харид қилиш учун шаҳарга боришмоқда. Илгари бунинг акси — ортиқча маҳсулот шаҳар бозорига келтириларди.

Омилкор деҳқонлар ҳамиша ерга бундай муносабат яхшиликка олиб келмаслигини айтар эдилар. Лекин уларнинг фикрига ҳеч ким қулоқ солмади. Раҳбарлар фаолиятида ўзбошимчалик илдиз отди. Талаффузимизда «раис буюрди», «раис қарор қилди» деган тушунчалар пайдо бўлди. Оддий меҳнаткаш аста-секин бошлиқларнинг кўрсатмасини бажарувчи ижрочига айланиб қолди. Ваҳоланки «юқори»дан берилган буйруқлар кўпинча ҳақиқатга зид бўларди.

Ўша пайтда ҳеч биримиз бошлиқларнинг раъйига қарши чиқолмасдик. Бундай «бебошлик» ҳаддан ташқари қимматга тушиши, кўпгина кўнгилсизликларга, ноқулайликларга сабаб бўлиши мумкин эди.

Энди буларнинг ҳаммаси яхши тарафга ўзгарди. Уч йил бурун бутун мамлакатда бўлгани каби колхозимизда ҳам ажойиб ўзгаришлар юз берди. Алмашлаб экишни планли равишда ўзлаштириш бошланди, аллақачон унутиб юборилган гўнг обороти йўлга қўйилди. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакллари дадил жорий қилинаётир. Бу йил хўжалигимизда омилкорлик ва деҳқонларнинг фаоллигини ошириш мақсадида харажатлар назоратининг чек усули жорий этилди. Энг муҳими — бизга кўпроқ ишонч билдириладиган, ташаббус қўллаб-қувватланадиган бўлиб қолди. Ҳеч ким тергамайди, буйруқ бермайди, мажбур этмайди.

Энди агротехника тадбирларини қачон ўтказишни ўзимиз белгилаймиз. Масалан, бу йил бизда чигит экиш ўтган йилдагидан бир ҳафта кеч бошланди. Чунки тупроқни қиздириш шарт эди. Қизимаган тупроққа ташланган чигит тез униб чиқмаслиги ҳаммага маълум. Шу боисдан бригадирлар кенгаши экиш муддатини суришга қарор қилди. Бунинг учун бизни ҳеч ким шоширгани, танбеҳ бергани йўқ. Экишни саккиз иш кунида тугалладик. Яхши ишланган ва етарлича қизиган тупроққа тушган уруғ қийғос униб чиқди. Эндиликда ҳар бир иш ўз навбати билан амалга оширилаётир, экин қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда.

А. СУЛАЙМОНОВ,
Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхознинг бригада бошлиғи.

НАМАНГАНДА БИРИНЧИ

ЧУСТ (жамоатчи мухбиримиз И. Дадажоновдан телефон орқали). Ватанга мўлкўл кумуш тола етказиб бериш учун енг шимариб ишлаётган «Ўзбекистон» колхози пиллачилари қабул пунктларига 10.700 килограмм қимматли хом ашё топшириб, йиллик планни 107 процент бажардидар. Коммунист Ўлканбой Тилданазаров, Нишонбой Қўлдошев, Ёндошбой Ҳайитматов бошлиқ бригадаларда ҳар қути қурт уруғидан 55—60 килограммдан пилла олинди. Турсуной Аҳмедова звеноси 40 грамм уруғликни меҳр билан парваришлаб колхоз хирмонига 184 килограмм кумуш тола топширди.

Хўжалик пиллачилари давлатга яна 2.300 килограмм хом ашё топшириб, умумий хирмонни 13 минг килограммга етказиш учун курашмоқдалар.

ИЗЧИЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК

СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

Касбим оддий, аммо шарафли. Қадрдон коллективим, ҳамкасбларим ҳақида ўйласам қалбим жунбишга келади. Нега ҳам фахрланмай? Оддий ишчига шунча шараф, эътибор. Сидқидил меҳнат қилиб, кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозондим, КПСС XXVII съезди делегати бўлиш бахтига мушарраф бўлдим. Албатта, булар зиммага улкан масъулият юклади. Ишончни оқлашга астойдил интилаяпман. Барчамиз қўлни қўлга бериб 1988 йил ва умуман ўн иккинчи беш йиллик планини муддатидан илгари адо этиш учун барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Ўзим юқори босимли мурватлар учун махсус тиргаклар тайёрлайман. Смена мобайнида норма бир ярим ҳиссага етказиб адо этилаяпти. Цехимизда ташаббускорлар сафи тобора кенгаймоқда. Солижон Бойматов, Исоқжон Мамажонов каби токарлар ишни сифатли бажаришда барчага намуна. Улар меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ҳайрли ҳаракатлар билан майдонга чиқишаяпти.

Заводимиз коллективи Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу сана муносабати билан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Жумладан конференция очиладиган кунгача пландан ташқари 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, катта ҳажмда тежамкорликка эришишга аҳд қилинган. 60 ишчи ва 5 бригада беш йилликнинг уч йили топшириғини 28 июнгача адо этиш учун курашмоқда. Мақсадга эришишда ўзаро социалистик мусобақа муҳим роль ўйнаяпти. Ошкоралик, демократия қарор топмоқда. Ишчиларда ўз корхонасига хўжайинлик ҳисси мустаҳкам шаклланаяпти.

Тўғри, ҳали орамизда масъулиятни ҳис этмаётган, ўзибўларчилик кайфиятида юрган кишилар ҳам йўқ эмас. Планлаштиришдаги чалкашликлар қайта қуриш ишига тўғаноқ бўлаяпти. Масалан, қуюв цехини олайлик. Бу ерда ой охирида ишга зўр берилади. Натижада биз ҳам бой берилган вақтни «қувиб» етишга ҳаракат қиламиз. Бўл-бўлчилик оқибатида сифатга путур етаяпти. Йиғилишларда бундай камчиликларга барҳам бериш ҳақида қизғин мунозаралар бўлаяпти, аниқ қарорлар қабул қилинаяпти. Ишда эса ўзгариш йўқ. Сабаби қарорлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётир. Ҳозир муаммоларни ҳал этишга барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Энди эришилган натижаларни мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида таъкидланганидек, коммунистлар масъулиятини ошириш зарур. Мен Тезисларнинг 5-пунктидаги: **«Партия ташкилотлари, аввало, коммунистлар орқали ҳаракат қилиб ва одамлар билан иш олиб бориб, ҳар бир коллектив ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўла-тўкис бажаришга, ўз демократик ҳуқуқларини амалга оширишга эришишлари зарур»,** деган жумлага **«Ҳар бир коммунист қайси вазифада ишламасин, партия ташкилоти олдида маълум бир участкага масъул шахс сифатида аниқ партиявий топшириққа эга бўлсин»,** деган фикрни қўшишни таклиф қиламан. Шундай қилинганда фақат йиғилишларда қатнашиб, аъзолик бадалларини тўлаш билан ўзларини оқлаб юрувчи баъзи коммунистлар масъулияти жиддий ортади.

К. ИЛМИЯМИНОВ,
Қўқон шаҳридаги «Большевик» газ аппаратлари ва ностандарт ускуналар заводининг токари, КПСС XXVII съезди делегати.

АВВАЛ ЎЗИНГДАН СЎРА

Турғунлик йилларида «Коллективимиз аҳил, бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, улкан муваффақиятларни қўлга киритаяпмиз» деган сўзларни иккиланмай айтаверардик. Энди ўйлаб қарасам, бу сохталикдан бошқа нарса эмас экан. Чунки гапнинг посангиси пировард натижага қараб бўлиши керак-да.

Хўжалик ҳисобининг жорий этилиши барчамизни онгли, ижодий ишлашга даъват этди. Ялқов, интизомни бузувчи кишилар саросимага тушиб қолишди. Бригада цех партия ташкилоти вазиятга тўғри баҳо бериб, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланди. Тюменлик ҳамкасбларимиз ташаббуси асосида бригада кенгаши иш бошлади. Мақсад, ҳамма бирдек жон куйдирсин. Ҳалол ишлаган киши кам бўлмайди. Агар кимда-ким ўзини ўнга-чапга ташласа мукофотдан маҳрум этилади. Унга тегишлиси илғор ишчиларга тақсимланади. Ўзаро талабчанлик, ошкораликнинг тарбиявий аҳамияти катта. Мавжуд резерв ва имкониятлар қидириб топилиб ишга солинмоқда. Натижада қувончли ютуқларга эришаяпмиз. Ўтган йили 13-Миршоди участкасидан нефть чиқди. Яширмайман, «қора олтин» изловчилар машаққатли меҳнат қилишди. Ер ости йўлларини «босиб» ўтиш чоғида кўп марта сув қатламига дуч келдик. Аммо ҳеч ким иккиланмади. Август ойидагина мақсадга эришдик. Ҳозирги кунда Оқжар қудуғида парма-лаш ишлари олиб борилаяпти.

«Ташаббус бўлмаса, одамларнинг ижодкорлиги бўлмаса, олға томон ҳеч қандай ҳаракат қилиб бўлмайди, айниқса революцион ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди», дейилади КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль пленуми ҳужжатларида. Буни ҳамкасбларим чуқур ҳис қилишаяпти. Олимбой Каримов, Шамиль Аглеулин, Сайдулла Содиқов, Рашид Қаюмов каби пармаловчилар чинакам жасорат кўрсатишаяпти. Шиоримиз: ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун! Ўтган йили ёш ишчи Н. Муртазоев аттестациядан ўтолмади. Шунда у кетаманга тушиб қолди. Бироқ коллектив уни оталиққа олди. Норбойга касб сирларини қунт билан ўргатдик, одамийликдан дарс бердик. Мана ҳозир у устози Владимир Шаров билан басма-басига ишлаяпти. Вақт имиллашни ёқтирмайди. Қайта қуришнинг муваффақияти учун қатъий туриб курашмоғимиз даркор!

Пармаловчилар партия конференцияси шарафига мусобақани кун сайин қизғин тус олдиряпти. В. Шухурин бошлиқ бригада аъзолари билан шартнома тузди. Меҳнат беллашуви илғорлар тажрибасини оммалаштириш, интизомни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаяпти.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қумқўрғондаги Сурхон пармалаш ишлари бошқармаси бригадири.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

«Ҳозир ҳаммамиз учун зўриқиш даври бўлишини сезиб турибмиз. Шу зўриқишни зиммага олишимиз керак... Партия буни ўз зиммасига олади, сизлар ҳам зиммангизга олинглар. Айни шундай бўлишига аминман. Ҳар бир киши бу ишга шунчаки иштиёқбозлик билан эмас, балки халқ иштиёқи билан киришмоғи керак». Ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетидаги учрашувда айтган ана шу сўзларини ўқидим-у ўйга толдим. Ҳа, масъулиятли дамларни бошдан кечираяпмиз. Инқилобий ўзгаришлар дадил ҳаракатни, ёниб, жўшиб ишлашни тақозо этмоқда. Улуғ ишдан ҳеч ким четда бўлмаслиги керак.

Касбим чорвадор. Соҳадаги қийинчиликлар, муаммолар барчага аён. Зеро жамоат чорвачилигини шу кун талаблари даражасида ривожлантирмай туриб, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш мушкул. Бир пайтлар қолоқлар сафида эдик. Колхоз правлениеси, партия комитети ишни йўлга қўйишга қаратилган аниқ тадбирларни белгилаб, изчил амалга ошираяпти. Унга кўра моллар зоти яхшиланди, озуқа базасига эътибор кучайди. Инсон омили ҳақида ҳам алоҳида бош қотирилмоқда. Дам олиш хонаси намунали жиҳозланган. Керакли адабиётлар, газета ва журналларнинг янги сонлари, радио, телевизор ва бошқа кўнгилочар нарсаларнинг ҳаммаси бор. Илғорлар кўпчилик ўртасида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти. Ишонч, иштиёқ бўлса ютуқлар салмоқли бўлаверар экан. Ўтган йили 550 тонна ўрнига 574 тонна серқаймоқ сут топшириб, планни муддатидан илгари бажардик. Жорий йилда ана шу натижани янада мустаҳкамлаш ниятидамиз. Қарамоғимда 17 бош сигир бор. Районга довруғ тараттан сигирсоғарлардан олган сабоқларим қўл келаяпти. Уч йилдан буён мусобақада пешқадамликни бермай келаяпман. Кунига ҳар сигирдан 10—11 килограммдан сут соғиб олаяпман. Камтарин меҳнатим партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган: кўксимни III даража-ли Меҳнат шуҳрати ордени безаб турибди.

Коммунист сифатида партия сиёсатини чорвадорларга кенг тушунтириб, қайта қуриш меъморлари сафида бўлишга интилаяпман. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бўладиган йилда ҳар сигирдан 3 минг килограммдан сут топширишга аҳд қилдим. Қисталанг дамларда устозим Барно Наимова яқиндан кўмаклашаяпти.

Содиқ Кумушбеков, Мирзааҳмад Жўраев сингари молбоқарлар шаънига илиқ гапларни айтмоқчиман. Улар ҳеч қачон меҳнатдан қочишмайди. Лозим бўлганида кечаю кундуз говмишлар атрофида парвона бўлишади. Ана шундай фидойи кишиларнинг жонбозлиги туфайли тармоқда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Х. ПЕРДОШЕВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз сигирсоғари.

СУДРАЛИШ ЯРАШМАЙДИ

Жомбой районидаги Улуғбек номли совхоз партия комитети жанговар сафлар софлиги ва жипслиги учун қизғин кураш олиб бормоқда. Ана шу мақсадда цех партия ташкилотларида жанговарлик кўриги ўтказилаяпти. Яқинда 2-бўлимда дастлабки хулосалар чиқарилди. 35 коммунистдан 8 нафарининг фаолияти талаблар даражасида эмас, деб топилди. Чиндан ҳам бу ерда давр руҳини, шу кун талабини ҳис этмаётган кишилар оз бўлса-да учрайди. Улар орасида коммунистлар ҳам борлиги ғоят ташвишлидир. Мавжуда Донақулова пахтачилик звеносининг бошлиғи. Дастлабки кезлари ёмон ишламади. Аммо вақт ўтиши билан илк натижалар билан кифояланди. Партия йиғилишларига қатнашмайдиган, ҳатто аъзолик бадалларини вақтида тўламайдиган бўлиб қолди. Цех партия ташкилоти эса муросасозлик қилди. Иш орқага кетди.

Ёки коммунист Нортожи Абдунаимов фаолиятини олайлик. Ўзи ёмон деҳқон эмас. Мўл, арзон ва сифатли пахта етиштиришнинг ҳадисини олган. Афсуски, сўнгги йилларда масъулиятни унутди. Ўтган йили у бошлиқ звено ҳар гектар ердан 15 центнердан ҳосил олганлигини ҳандай баҳолаш мумкин?!

Партия йиғилишида коммунистлар ўткир Пардаевга ҳам жиддий эътирозлар билдиришди. У улуғ ном эгаси бўла туриб, лозим даражада жонбозлик кўрсатмаяпти. Ҳозирда бундай кишилар фаолияти устидан изчил назорат ўрнатилган.

Жанговарлик кўригини ўтказиш комиссияси аъзолари чорвачилик фермасида бўлганларида ибратли ишларни кўриб қувонишди. Нодира Қосимова, Дилбар Ҳамроева ва бошқалар саволларга пухта жавоб қайтардилар. Сигирсоғарлар суҳбат жараёнида конференция очиладиган кунгача ҳар сигирдан камида 2.200 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганликларини маълум қилдилар.

Р. ИНОЯТОВ,
жамоатчи мухбир.

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезислари Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози заршуносларини ҳам янги меҳнат ютуқлари сари руҳлантириб юборди. Улар ижара пудратини кенг жорий этиб, ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Илғор усул шарофати туфайли совхоз бўйича жорий йил бошидан буён 160 минг сўм иқтисод қилинди.

СУРАТДА: бригада бошлиғи, ташаббускор коммунист Ж. Эргашев (ўнгда) сувчи ва механизаторлар билан иш сифатини кўздан кечираяпти.

А. КОШКИН фотоси. (ЎзТАГ).

СССР халқ артисти Мукаррам Турғунбоева таваллудининг 75 йиллигига

ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Мукаррам Турғунбоева. Ўзбек рақс санъатининг тараққиётн, жаҳон миқёсига чиқиши бевосита ана шу ном билан боғлиқ. Унинг раҳбарлигида ташкил этилган «Баҳор» ансамбли ер юзининг турли мамлакатларида бўлиб, диллару манзилларни бир-бирига боғлаяпти.

САҲНАГА ЙЎЛ

...Қизча болалигидаёқ саҳнага чиқишни орзу қилар, хаёлида ўзини мўъжизакор театр бағрида юргандек ҳис этарди. Бўш қолди дегунча озғин елкаларига онасининг рўмолини ташлаб, кўзгу қаршисида пайдо бўларди. Шунда кўзларига ким бўлиб кўринарди у — «Минг бир кеча»даги малика бўлибми ёки дилбар Зуҳро бўлиб?...

Кутилмаганда Фарғонага келган Тамарахоним билан Уста Олим уни ҳаваскорлар концертида кўриб қолишди. Ҳаммаси шундан бошланди, уни яқиндагина Самарқандда очилган музика-тажриба театрига таклиф этдилар. Ўзида йўқ севинган ўн беш яшар Мукаррам узоқ ўйлаб ўтирмади, бунга дарҳол рози бўлиб, ота-онасига билдирмай кечаси уйидан қочиб кетди.

Санъатга чанқоқ қиз ўз устида ишлашга шундай киришдики, унинг тиришқоқлигига ҳамма тан берарди. У турли ролларни ўйнарди — қизчами, ўғил бола ёки қариями, қараб ўтирмасди. Бу роллар унда қониқиш ҳосил қилмаса-да, лекин томошабинларни ўйлашга мажбур этниш, уларнинг теварак-атрофни, ўзларини қуршаб турган дунёни, замонни тушуниб олишларида ёрдам беришини у яхши биларди. Давр эса фожиаларга бой эди — республикада инқилобий ўзгаришлар, Шарқнинг ҳақсиз-ҳуқуқсиз хотин-қизларининг кўзини очган, уларни ижтимоий тенглик учун курашга чорлаган «Ҳужум» ҳаракати давом этарди.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлардики, Мукаррамнинг бир спектаклда бир неча ролни ўйнашига тўғри келарди. Бундай дамларда ўткир зеҳни, ашула айтиш, рақс тушиш маҳорати қўл келар, сал бўлса-да, хатоларга йўл қўймас, ҳар нарсада аниқлик бўлишига эришарди. У ана шу фазилатларни ўзида жам эта олганидагина кутилган натижани қўлга киритишини тушунарди.

Маҳоратни оширишнинг улкан мактабидан ўтгач, Мукаррам 1936 йилда Уста Олим билан «Гулсара» спектаклида оммавий саҳна ўйинларини қўйишда қатнашди. 1937 йилда эса Игорь Моисеев билан у раҳбарлик қилган ансамблда ҳамкорлик қилди. Бу Мукаррамнинг балетмейстерлик қобилияти шаклланишида катта роль ўйнади.

1954 йилда М. Турғунбоева Тошкент хореография билим юртини энгигина битирган бир гуруҳ қизларни ўз атрофига тўплади.

— Бўлажак «Баҳор» ансамблининг ўзагини айни шулар ташкил этишди, — дея эслайди Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Қаҳрамон Дадаев.

Орадан уч йил ўтгач, «Баҳор» ансамбли ёшлар ва студентларнинг Москвада бўлиб ўтган фестивали лауреати бўлди.

— Муваффақият ҳаммани ҳайратда қолдирди, — дея тўлқинланиб кетади Қ. Дадаев. — Ўзбек халқ рақси минг-минглаб мухлислар юрагини забт этди. Бунда Мукаррам опанинг хизмати катта эди. У миллий санъат тарихида биринчи хотин-қизлар хореография ансамблини ташкил этиб, ўта қисқа вақт ичида қизиқарли чиқишларни тайёрлашга муваффақ бўлди. «Баёт», «Катта ўйин», «Пахта» рақслари дарҳол миллионлаб кишиларга ёқиб қолди.

«Баҳор»ни шундай эътироф этишди. Мукаррам Турғунбоева эса унинг раҳбари этиб тайинланди.

ИЖОДИЙ МАҲОРАТ СИРЛАРИ

Мукаррам опа миллий рақс услубини ижодий излашга икки ғояни асос қилиб олди. Бу халқ хаёли ва орзусида туғилган хореографик мазмунларни такомилига етказиб, уларни замонавий ижтимоий-маънавий оҳанглар билан тўлдириш ва оммавий саҳна рақси воситалари ёрдамида ўзбек қизининг янги қиёфасини кўрсатиш эди. Пиллакорлар ва пахтакорлар меҳнатини тараннум этиб, замондош хотин-қизларимизнинг бой руҳий дунёсини очиб берувчи «Пилла», «Пахта байрами» каби ажойиб рақслар юзага келди. Уларни томоша қилганингизда рақс севги ва вафони улуғлаш, эътироф этиш, мулоҳаза юритиш тимсоли, рақс — хотин-қизларни ўз умр йўлдошлари, севикли йигитларига содиқ бўлишга чақириқ деган тушунча хаёлингизга келади беихтиёр.

— Рақс техник жиҳатдан мураккаблиги билан ажралиб турмайди, — деган эди Мукаррам опа ўз чиқишларининг бирида. — Аммо мен айниқса «Тановар»дан кўпроқ чарчардим. Уни ижро этаётганингда бир лаҳза бўлсин бўшашиш мумкин эмас, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир қўл силкитиш сендан катта куч-матонатни талаб этади.

Мукаррам Турғунбоева севги ва вафо мавзуси учун ифодали ижронинг қизиқиш уйғотувчи шаклини топди — қиз юрагини эҳтиросли туйғулар ҳаяжонга солади, у гўё муҳаббатини ошкор этишдан қўрқади...

Ҳис ва туғёнларнинг бу қадар тийиқлиги образга шеърий мазмун бағишлайди. Бу Мукаррам опанинг эстетик қарашлари, ахлоқий принциплари самарасидир. У, аёл рақсда ҳам ҳаётдаги каби такрорланмас, гўзал, иффатли, назокатли, айни чоғда камтар ва оддий бўлиши зарур, деб ҳисобларди. Бу фазилатни ўз шогирдларига сингдиришга ҳаракат қиларди.

Тиним нималигини билмайдиган, танасининг ҳар бир ҳужайрасигача севган касбига содиқ М. Турғунбоева ансамблнинг бой ва рангбаранг программасини мунтазам янгилаб, тўлдириб борарди. Республика ва мамлакат бўйлаб ёки чет элларга қилинган сафарлардан бирорта рақсни ўрганмасдан қайтганларини қизларнинг ҳеч бири эслай олмайди.

— Мукаррам опа ғоялар оғушида қайнаб-қайнаб яшардилар, — дейди Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ф. Низомиддинова. — Ижодий тафаккурга бой инсон эдилар. Уни колхоз, совхозларда қадрдон ва яқинлардек кутиб олишарди. Катта қалб эгаси бўлган ажойиб рақҳоса пахтакорлар, сигирсоғарлар, кексалар, болалар даврасида ўтадиган вақтичоғликни ниҳоятда яхши кўрарди. Шуниси эътиборга моликки, у ана шундай дамларда қишлоқ меҳнаткашларининг ўйинларини зўр қизиқиш билан кузатиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатидан яратилажак янги рақсларга чизгилар олар, таассуротларини ён дафтарига ёзиб қўярди. Уйга қайтгач, ана шу хореографик расмларни юксак бадиий даражагача ривожлантирарди. Бу тез орада янги рақсларга асос қилиб олинар ёки мавжудларини тўлдирар, аниқлик киритарди.

— Миср сафарида бўлганимиз ҳамон ёдимда, — дея эслайди Қ. Дадаев. — Бу ерда таниқли рақҳоса Наима бизни уйига таклиф этди. Концерт билан тугаган қизиқарли бу кечадан кейин Мукаррам опа Жазоирда севиб куйланадиган машҳур «Мустафо» қўшиғи асосида араб ўйинини яратдилар.

Юзаки қараганда бу енгил кечгандек туюлади. Аммо рақснинг туғилиши М. Турғунбоева учун ҳар доим оғир жараён эди. Гарчи ғоя тез пайдо бўлса-да, лекин музика ва кийимни тўғри танлаш, ниҳоят, ижрочидан тинимсиз изланишни талаб этади. Мукаррам опа шу боис салгина хатони ҳам кечирмас. Ҳар бир нарсанинг сидқидил бажарилишига эришарди.

— Программамиздан «Қўғирчоқ» рақси ўрин олганди, — дея ҳикоя қилади Малика Ҳайдарова. — Уни Валя Романова ижро этарди. Мукаррам опа ҳаракатларни маромига етказиш, образни ҳаққоний очиб бериш учун Валя билан анча вақтни «Болалар уйи»да ўтказдилар. Соатлаб машқ қилиб, қўғирчоққа хос фазилатлар: унинг боқиши, айланиши, гавдасини қандай ҳаракатга келтиришини ўргандилар.

— Бир воқеани ҳалигача эслаб юраман, — дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура Эргашева. — Ҳинд рақсининг ижрочисини танлаш масаласи опани ўйлантириб қўйди. Ўнлаб қизларни кўздан кечирдилар. Ниҳоят, унга муносиб, раққоса танланди. У безаниб, либосларни кийганида ҳинд қизининг ўзи бўлди-қолди!

«БАҲОР»НИНГ ИШ КУНЛАРИ

Севган ишига бутунлай берилиб кетган Мукаррам опанинг бир сония бўш вақти йўқ эди. Лекин кундалик ҳаёт кутилмаганда янги ташвишлар ва муаммоларни келтириб чиқарарди. Баъзан нафақат шахсий, балки ишлаб чиқариш можаролари ҳам кундаланг бўларди. Уларни зудлик билан, кечиктирмасдан ҳал этиш лозим эди. Зотан, гап одамлар устида, уларнинг тақдири, болалари ва ниҳоят муҳит хусусида борарди.

— Биз учун нақадар жон куйдирганларини сўз билан ифодалаш мушкул, — дейди бениҳоя тўлқинланиб Ф. Низомиддинова. — Опа ҳар биримиз учун онага баробар эдилар.

Мен учун айниқса қадрли эдилар. Фрунзега сафар қилиб борганларида мени тасодифан кўриб қолдилар. Ўшанда ўзим шуғулланаётган бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари билан маданият уйида бўлган байрам концертида қатнашдим. Опа кузатиб турган эканлар, мен билан суҳбатлашгач, кутилмаганда мени Тошкентга таклиф этдилар. Ўзимни йўқотиб қўйиб, ҳаяжонланганимдан тилим калимага келмай қолди. Мукаррам опа билан бўлган ўша суҳбатдан сўнг йўлга чиқдим. Шундан кейинги йилларда ҳар доим ёнларида бўлдим. Менга фақат рақс тушишни ўргатибгина қолмасдан, балки ҳаёт йўлимни тўғри танлашимда ҳам катта ёрдам бердилар.

Турмушга чиқаётганимда эса тўйбоши бўлдилар. Қисқаси, ўшанда онам ўрнини босдилар. Шундан кейин оиламни уй билан таъминлаш, фарзандларимни боғча га жойлаштириш билан машғул бўлдилар. Ҳатто мебель сотиб олишимда ҳам кўмаклашдилар.

Қуйидаги воқеа ёдимдан ҳеч чиқмайди. Сафарга шайланаётган эдик. Мукаррам опа мендан сўраб қолдилар:

— Йўлга тайёрмисан?

— Чемоданим йўқ.

Нима қилди деб ўйларсиз? Опа кўп ўтмасдан биз машқ ўтказаётган Навоий номли опера ва балет театрига кириб келдилар. Қўлларида чиройли чемодан... Эндиликда уни ноёб ёдгорлик сифатида асрайман.

47 қиз, қирқ етти тўй... Уларни ўтказишда елиб-югурган, жон куйдирган, тўй-бошилик қилган ким дерсиз? Албатта, Мукаррам опа-да. Ҳар биримизнинг ҳаётда тўғри йўл топиб олишимиз учун ёрдам беришга ўзининг бутун билим ва маҳоратлари, тажрибаларини сафарбар этдилар. Шу боис қизлар ҳам ҳатто оналарига айтолмаган гапларини опадан яширб ўтирмасдилар, тортинмай мурожаат этардилар.

Мана бир мисол. Қобилиятли, умидбахш қизлардан бири турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, ажраладиган ҳолатга бориб қолибди. Эрининг қариндошларидан бири унинг артистлигини таъна қилар, бундан ор этар экан. Опа унинг кўёвини зудлик билан чақиртирдилар. Унга ҳақиқатни тушунтириш учун озмунча вақт кетмади. Аммо йигит опа ҳузуридан рафиқаси рақс санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганига ишонч ҳосил қилиб, бундан фахрланиб чиқиб кетди.

— Халқни севишни, меҳнаткашларни ҳурмат қилишни опадан ўргандик,— дейди Маъмура Эргашева. — Колхоз ва совхозлар, олис қишлоқларга борганимизда опа концерт программасини энг яхши рақслардан тузардилар, кийимларни синчковлик билан танлардилар, уларни байрамда киясизлар, деб аяб ўтирмасдилар.

— Деҳқонлар — асосий томошабинларимиз, — дердилар Мукаррам опа. — Томирларимиз уларнинг юракларида. Буни бир лаҳза унутиб қўймаслигимиз лозим.

— Фақат бугина эмас, — дея сўзида давом этади М. Эргашева, — мардона яшашни ҳам опадан ўргандик. Раҳбарлар билан суҳбатлашганларида ҳайиқмасдилар, юрагидаги гапни яширб ўтирмасдилар. Баъзи маъмурий ходимлар ўз амалидан фойдаланиб, катта концертларда у ёки бу номерни қолдиришга ҳаракат қилардилар. Опа бундай дамларда сукут сақлаб ўтирмасдилар, фикрларини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилардилар, сўзларида маҳкам туриб олардилар:

— Ўз ишимга ўзим жавоб бераман!

Опадаги ана шу матонат ва қатъият «Баҳор»ни турғунлик йилларидаги хуружлардан муҳофаза қилган, унга муваффақиятлар келтирган бўлса, не ажаб! «Шарқ гўзаллари»ни дунёнинг 80 мамлакатида қарсак чалиб олқишладилар! Миллионлаб томошабинлар ўзбек халқининг ўзига хос санъати, миллий рақсининг классик намуналари билан ҳайратларини ичларига ютиб танишдилар.

— Бунда СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Мукаррам Турғунбоеванинг хизматлари шубҳасиз каттадир, — дейди Қ. Дадаев. — Опа ажойиб инсон эдилар!

Бу сўзларга дил-дилингдан қўшилгинг, ажойиб рақҳоса истеъдоди олдида бош эггинг келади.

С. ЛИ.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-88

ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, ФЕСТИВАЛЬ!

Кеча серқуёш юртимиз пойтахтида якунланган уч қитъа — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинофестивали унинг қатнашчиларию томошабинларда катта таассурот қолдирди.

СУРАТДА: Ўзбекистон кино усталари Л. Файзиев (чапда) ва А. Ҳамроев (ўнгда) меҳмонлар билан суҳбатлашишаяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

ШУҲРАТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Мексика кинематографчилари йилига 60 та фильм яратаяптилар. 40—50-йилларда мамлакат экранларига қишлоқ ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи лента лар кўп чиқарилган бўлса, эндиликда яратилаётган картиналарда кўпроқ шаҳарларнинг экономикани юксалтиришдаги роли, аҳолининг кўпайиб бораётгани, мексикаликларнинг АҚШга кўчиб кетаётгани ва бошқа муаммолар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Мексика миллий кинематография бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Луис Фернандес де Альба ва продюссер Карлос Ресенди навбатдаги матбуот конференциясида журналистларга ана шулар тўғрисида сўзлаб бердилар. Айни чоғда улар мамлакат кинематографчилари ўз мавқеларини бой бериб қўяётганлари, олдинги шуҳратни тиклаш юзасидан нималар қилинаётганига тўхталишди.

Мексика делегацияси Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро Х фестивалига режиссёр Фелипе Касальнинг корпорациялар ўртасидаги мураккаб муносабатларга бағишланган «Илоҳий қаҳр» бадиий лентаси билан олтита ахборот фильмини олиб келди.

«Мариана-Мариана» картинасида бош ролни ўйнаган мексикалик таниқли актриса Элисабет Агилар Гонсалес ҳам матбуот конференциясида сўзга чиқди. У ўз фаолиятини 1977 йилда «Лайлак парвози» фильмида бошлаган. Режиссёр Альберто Исакнинг «Мариана-Мариана» картинасида бу аёл тўрт йиллик танаффусдан кейин суратга тушди.

— Мен ажойиб санъаткор Альберто Исак яратган фильмда ўйнаганлигим билан ўзимни бахтли ҳисоблайман, — дейди у. — «Мариана-Мариана» лентаси менинг тақдиримда бурилиш босқичини ўйнайди, десам хато қилмаган бўламан. Мен у билан одамлар ҳузурига бемалол бора оламан. Ахир, менинг уларга айтадиган гапларим бор.

ДЕҲҚОН БИЛАН МУЛОҚОТ

«Тинчлик учун, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтаётган Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларининг республика меҳнаткашлари билан учрашувлари анъанага айланди. Улардан бири Наримонов шаҳрининг «Ўзбекистон» колхозида бўлиб ўтди. КХДР кинематографчилари хўжалик деҳқонларининг таклифини қувонч билан қутиб олдилар.

Бу ердаги маданият саройида бўлиб ўтган суҳбат чоғида колхоз раиси С. И. Ким, шаҳар партия комитетининг секретари А. А. Шек меҳмонларга пахта ва каноп етиштиришга ихтисослашаётган хўжалик фаолияти тўғрисида сўзлаб бердилар. Коллектив чорвачилик билан ҳам шуғулланмоқда.

— Ҳар йили 1 миллион 300 минг сўм соф фойда оламиз, — деди колхоз раиси Сангин Иванович Ким. — Бу 20 миллатли коллектив аъзолари фидокорона меҳнатининг самарасидир. Улар ягона оила фарзандларидек бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатда бораётган қайта қуриш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар.

Шундан кейин меҳмонлар колхоз иши билан танишдилар. Уларга гўзани парвариш қилиш хусусиятлари, маданий ҳаётда эришилаётган ютуқлар хусусида сўзлаб берилди.

КХДРдан келган делегация аъзолари бир корейс оиласи ва унинг турмуш тарзи билан танишиш истагани билдирдилар. Уларга колхозчи Николай Васильевич Пак хонадони кўрсатилди. Оила аъзоларининг кенг ва ёруғ уйда турмуш кечираётгани меҳмонларни хурсанд этди.

«Она истаги» бадиий фильмини кўрсатиш олдидан зални тўлдириб ўтирган томошабинлар делегация аъзолари билан танишдилар. Улар орасида Корея халқ артисти Хон Ен-Хи ҳам бор эди.

— Мен Тошкент кинофестивалида биринчи марта қатнашаяпман,—деди у. — Бадиий баркамол фильмлар яратиб, уларда муҳим муаммоларни кўтариб чиқаётган совет кинематографчилари билан танишганимдан фахрланаман. Актриса сифатида ер юзи халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бағишланган фильм яратилишини, унда мен ҳам роль ўйнашни орзу қиламан.

Картина кўрсатуви тугагандан сўнг томошабинлар у ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Бундай мулоқот ва учрашувлар бир-биримиз билан яқиндан танишиш, бир-бирларимизни яхши тушунишга кўмаклашади, — деди хайрлашув чоғида 25-ҳунар-техника билим юрти директори В. С. Де.

Дарҳақиқат, учрашув унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

С. БОРИСОВА.

Анъанавий Тошкент халқаро анжуманида қатор фильмлар намойиш этилиб, юқори баҳо олди. Улар орасида туркман кинематографчилари яратган «Сенинг аканг — менинг акам» ленталари ҳам бор.

СУРАТДА: ана шу картинадан лавҳа.

СПОРТ ахборотн

БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

Футбол бўйича СССР кубоги мусобақалари қизиқарли, хавфли вазиятларга бой бўлиши, энг муҳими — муросасиз кураш остида ўтиши билан унча-мунча беллашувлардан қолишмайди. Шанба куни Москванинг «Торпедо» ва Харьковнинг «Металлист» командалари ўртасида ўтказилган финал матчи бунинг далилидир. Учрашув илк дақиқалардан бошлаб ишқибозларни ҳаяжонга солди. Дастлаб торпедочилар майдонда фаол ҳаракат қилдилар. Улар ташаббусни қўлга олиб, меҳмонлар дарвозасига таҳдид сола бошладилар. Лекин ҳимояда хатога йўл қўймай уюшқоқлик билан ўйнаган харьковлик футболчилар ҳам бўш келишмади, вақти-вақти билан қарши ҳужумга ўтиб, майдон эгалари дарвозабонини безовта қилиб туришди. Бу тактика ўзини оқлади. Биринчи бўлим тугашига саноқли дақиқалар қолганда улар чиройли комбинация бошладилар. Натижада «Торпедо» ҳимоячиси тўпни қўли билан тўхтатиб қолишдан ўзга чора топа олмади. Ўн бир метрдан жарима тўпини «Металлист» ҳужумчиси Ажоев мўлжалга аниқ йўллади.

Иккинчи бўлим майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди. Улар тобора суръатни оширдилар. Аммо меҳмонлар яна уюшқоқлик билан ўйнаб, торпедочиларга ҳисобни тенглаштиришга имкон бермадилар. Устига-устак улар яна бир комбинацияни чиройли қилиб ниҳоясладилар. Натижада «Торпедо» дарвозаси иккинчи бор забт этилди. Тўпни Баранов киритди.

Шундай қилиб, Харьковнинг «Металлист» командаси ўз тарихида биринчи маротаба биллур соврин — СССР кубогига сазовор бўлди.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида (футбол) бўлиб ўтган навбатдаги тур учрашувларида меҳмонлар яхши ўйин кўрсатдилар. Тўққиз учрашувнинг бештаси уларнинг ғалабаси билан тугади. Иккита матчдагина омад майдон эгалари томонида бўлди. Икки учрашувда кучлар тенг келди.

«Пахтакор» бу сафар Ростовда маҳаллий «Ростсельмаш» коллективининг меҳмони бўлди. Қизиқарли ўтган бу учрашувда дарвозалар икки бор забт этилди. Шуниси қизиқарлики, иккала тўп ҳам майдон эгалари ҳисобига ёзилди. Дастлаб пахтакорчилар ҳужуми пайтида майдон эгаларидан бири шошиб қолиб, тўпни ўз дарвозасига тепиб юборди. Кейин улар ташаббусни қўлга олиб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар.

Турдаги энг йирик ҳисоб Оржоникидзе шаҳрида қайд этилди. Бу ерда Риганинг «Даугава» командасини қабул қилган маҳаллий спартакчилар меҳмонлар ҳужумига бардош бериша олмади — 2:6.

Бошқа учрашувлар натижаси билан танишинг: «Кузбасс» (Кемерово) — «Ротор» (Волгоград) — 0:2, «Динамо» (Ставрополь) — СКА «Карпати» (Львов) — 0:1, «Шинник» (Ярославль) — «Котайк» (Абовян) — 1:2, «Заря» (Ворошиловград) — «Помир» (Душанбе), —1:1, «Динамо» (Ботуми) — «Металлург» (Запорожье) — 2:0, «Гурия» (Ланчхути) — «Колос» (Никополь) — 2:1, «Звезда» (Пермь) — «Геолог» (Тюмень) — 1:2.

Биринчи лигада навбатдаги тур учрашувлари 8 июнда бўлиб ўтади. Пахтакорчилар шу куни ўз майдонларида Ботумининг «Динамо» командасини қабул қиладилар.

КАСПАРОВ БИРИНЧИ

Амстердамда бир неча кун давом этган тўртлар мусобақаси жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг ғалабаси билан тугади. У бироста ҳам учрашувни ютқазмай ажойиб натижа кўрсатди, жами тўққиз очко тўплади. Каспаров шахмат тожи учун курашдаги ҳарифи, собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карповни 3:1 ҳисобида мағлуб этди, яъни икки учрашувни ютиб, икки партияда дуранг ўйнади.

Редактор ўринбосари Н. ЁҚУБОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

1 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 **«Украина овози».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев).
9.35 **«Қалбимда нимани бўлса».** Композитор В. П. Соловьев-Седой ҳаёти ва ижоди ҳақида хроникал-ҳужжатли фильм.
10.35 «Ҳайвонот оламида».
11.35 Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.15 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари премьераси: **«Ёш денгизчилар»** (Владивосток), **«Янги чақирилганлар»** (Олмаота).
17.00 «Танишайлик, Лэрри». Америка хонандаси Л. Лонг ижоди ҳақида.
17.45 «Мактаб: келажакка бир назар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «К. А. Савицкий Пензада».
19.55 Шеърият лаҳзалари.
20.00 **Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига.** «Останкино концерт студиясида таътил байрами».
21.30 **«Время».**
22.30 «Буни эсламасдан бўлмайди, ўртоқ». Синовчи-учувчилик касби ҳақида.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.40 «Қойилмақом». Киноконцерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 М. Логинов чалади (балалайка). Донецкдан кўрсатилади.
9.40 **«Аннаев йиғитлари».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод).
10.00 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.30 Режиссёр Борис Загряжский. Турли йиллар кинолентлари. «Вальс билан учрашув».
11.15 Болалар учун фильм. «Том Сойернинг саргузаштлари». 3-серия.
12.20 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.50 «Княгина Ольга ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.
13.55 Янгиликлар.
14.05 «Катталар ва болалар». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Болалигимиз елкани», «Қишлоқ мактабининг анъаналари».
14.55 **Такрорий телефильмлар кундузги сеанси.** «Шўх қара». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Богдодлик ўғри» («Тожикфильм»).
16.00 Р. Шуман. Виолончель ва оркестр учун концерт.

* * *

18.25 Янгиликлар.
18.30 Грузия ССР Давлат камер оркестрининг концерти. Солист — Б. Хендрикс (АҚШ).
19.30 «Бизнинг Пушкин».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Халқ куйлари.
21.00 **«Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун».** «Тюмень: социал муаммолар». 2-кўрсатув.
21.30 **«Время».**
22.30 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — Польша терма командалари. 2-тайм.
23.15 «Божхона». Бадиий фильм («Ленфильм»).
00.30 Болтиқ денгизи мамлакатлари дўстлик велопойгаси. Таллиндан кўрсатилади.
00.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

15.00 «Нуқта, нуқта, вергуль...» Бадиий фильм («Мосфильм»).
16.20 «Абитуриент-88». Иншо қандай ёзилади?
16.50 А. Шомирзаев. «Гулғула». Телеспектакль. 1-қисм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 **Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига.** «Оналар мактаби».
18.45 «Объективда — қайта қуриш». Марғилон шойи комбинати ва «Атлас» саноат бирлашмасининг хўжалик ҳисоби шароитларидаги иши ҳақида (рус.).
19.15 **Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига.** «Ҳар доим бўлсин. қуёш!».
20.00 **«Ахборот»** (рус.).
20.15 Телефильм.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Область театрлари солистларининг концерти.
21.30 Москва. **«Время».**
22.30 **«Қиммат бола».** Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Первоздаги турна». Бадиий фильм («Мосфильм»).
21.00 «ДОСААФ — мардлик майдони» (такрор.).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. **«Время».**
22.30 «Чиғаноқли қиз». Бадиий фильм (рус.).

Р—13953. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 2010. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12